

**ОЙДИН ҲОЖИЕВА**

**ДОСТОНЛАР**




**ОЙДИН ҲОЖИЕВА**

**ДОСТОНЛАР**

Тошкент

Фафур Гулом помндаги Адабиёт ва санъат нашриёти

1980



X  $\frac{70403-31}{M 352 (04) - 80}$  64-80 4702057020

# КЕЛИНЧАК



Қўнгипроқ чалинди.  
 Бошлапди бюро.  
 Шивир-шивирлар ҳам тинди ниҳоят.  
 Хонанинг тўрт бурчи тўрт қитъа гўё,  
 Фақат голибона юрарди соат.

Урнидан кўзгалди Орзихон сипо,  
 Ёқа тугмаларини тузатган бўлди.  
 Садафсон қамчисин эркакларнамо  
 Қизил этигининг қўнжиги солди.

Қисқа-қисқа жавоб бермоқдайди у,  
 Саволлар ёғилар эди бетиним.  
 Қалбида ўзгача руҳият, туйғу,  
 Туйғудан юрагин билмасди қўнним.

Орзихон сўзларди дадил, олмай тин —  
 Унинг сўзларини тинглар коинот.  
 Сўзга сўз уланиб борарди... Лекин  
 Элакка қолганда... Наҳотки, наҳот?

Орзихон сўзларди, ҳамма гўё тин —  
 Олмасдан тингларди термилган ҳолда.  
 Тили калимага келмади лекин  
**«Оила аҳволи...»** деган саволда.

Қаддин букмаган у тақдир олдида,  
«Беваман» демакка бўйни ёр бермас.  
«Ахир билнб турнб, сўрамоқ нега,  
Сўраманг!» — демайди ҳеч ким бу нафас.

Қувонч билан қайғу келса юзма-юз,  
Сабрдан бошқа не тургай ўртада?  
Хонага ёприлди сағирдай маъюс  
Ғарибона йиллар битта лақзада.

## II

Кетди у.  
Ортида қолди ёр-ёр,  
Йўлларини тўсди акс-садоси.  
Қолди ҳовли узра парвона анҳор,  
Қолди келинликнинг маъсум дунёси.

Сарғайиб тахмонда қолди зарпалак,  
Қатимлар эшилнб қилди илтижо.  
Остона ҳатлади беҳис, беюрак,  
Олган тугунида бахт бордай гўё.

Кетди, кипригига инмай қатра нам,  
Қўпириб ётса ҳам лим-лим дарёлар.  
Кетди қайнонанинг бағридан санам,  
Қўнглин юмшатмади таскин, дуолар.

## III

Ҳаводай ёйилнб кетди бу хабар:  
«Тулликни ихтиёр этмиш Орзихон».  
Таъналарга тўлиб ўтди шом-саҳар.  
(Таънали нигоҳлар, о, ёмон, ёмон!)



Опаси қўймайди: «Бора қол, болам,  
Пешанангда бўлса қайтиб келгай ёр».  
«Энди қай юз билан бораман, онам,  
Менда ҳам лафз бор, бордир номус-ор!»

Ҳар кун ҳасрат бошлар ошанзори,  
Кўзларига тўлар жиққа-жиққа ёш.  
Орзижон, (ошаннинг ором, озори!)  
Ахир, чегарасиз эмас-ку бардош!

Сўзларида тўла гина, кесатиқ,  
Истеҳзога ўхшар эди кулгани.  
Ҳатто гўдакка ҳам боқолмайини тик,  
Ипакдай эшилган Орзижон қани?

«Қанотига қайтиб келсаму буткул,  
Наҳот шод бўлмаса жоним волидам?»  
Ялт этган умиди бўлди-ю чил-чил,  
Илк бора қақшади тақдир, толедан:

«Қувонч ва қайғу ҳам чақмоқ бамисол,  
Парчалаб ташлайди ҳаётни ҳатто.  
Мен ношуд, сизга ҳам келдимми малол,  
Онам, таъналардан недир муддао?»

«Яшаб ҳам нетардинг, қизим, бемақсад,  
Тул хотин аталиб ўн саккизингда?..»  
«Шундайми, онажон... Шошилманг фақат...»  
Ўч олмоқчи бўлди ўзи ўзидан!

Ерда судралмасин дея сочларин  
Юрарди доимо солиб чўнтакка.  
Бўйинга ўради қора сочларин,  
Тақалганди пичоқ бориб сўякка.

Қўлдан кетди мадор, қолмади ҳоли:  
Юрак тиширчилар, бўғилар нафас.  
Эшикка урилди баҳор шамоли,  
Қулоққа чалинди олисдан бир сас.

Билмас, эшитгани қўшиқми, бошқа?  
Билар, благаининг оғриб толгани.  
Билмас ҳапуз, кириб шунчалар ёшга,  
Ўша куни қандай омон қолгани...

#### IV

Далалар ям-яшил, гуркираб турар,  
Барг-барг ялпиз терар қизчалар қий-чув.  
Наврўз деб келишлар кўк сомса тугар,  
Хуштаъб куёвига ёқмоқлик учун.

Сумалак сайлига шошар қизларжон,  
Навинҳолга ўхшаб кетар қомати.  
Соҳиллар ним яшил, сабзадай осмон;  
Баҳор ранг сурмаган ҳеч ер қолмади.

Орзихон қўлида қирмизи лола,  
Бироқ суйганининг тухфаси эмас.  
Гуррас ўтиб кетди бир тўн қиз бола,  
Ўнинг юрагида уйғотиб ҳавас.

Булбулнинг хониши — гул учун ёлғиз,  
Еллар учунгина толлар шиври.  
Севганига атаб кашта тикар қиз...  
Фақат... тег сочилар қуёшнинг нури.

Наҳот шу нурдан ҳам ололмас баҳра,  
Қалбдан ҳис этолмас рангин оламни?

Тўқиган қўшинни кимларга айтар,  
Қимларга айтади шодлигин, гамин?

Энди йўлиқдим муҳаббат дарди,  
Энди гул ундими бу заранг тошда?  
Юраги, қайтмас, дер, кутмагил мардинг,  
Умиди, кутгил, дер фарқ бўлма ёшга!

Бу севги йўлиши тутмоқ бор, аммо  
Қим ҳам қайта олур ундан терс томон?  
Унинг измидадир азалий дунё,  
Қадимий коинот, паннки нисон!

Бу йўлдан буюклик топарсан, ёким —  
Юз тубан кетарсан бешому ишшон.  
Бу йўлда қолади бир ҳовуч ҳокинг,  
Ё бўлиб қоларсан ўлмагувчи жон!

## V

Сутдаини тиниқ кеча,  
Шабада кезар гирён.  
Чигал хасллар ичра  
Қатим тортар Орзихон.

Қаварган бармоғига  
Чим-чим санчилар игна.  
Қоврилиб ўз ёғига,  
Хўрсинарди жимгина.

«Нурсиз сайёралар ҳам,  
Порлар охири бир кун.  
Сўйла, юлдузим, мен ҳам  
Бўлгумми бағри бутун?»

Излагани қайсидир?  
Энг ёруғи эҳтимол.  
Юлдузлар милдир-милдир,  
Бўлгани шу — гуниг ва лол.

Улар билмас, Орзиҳои  
Уйқуси не учун тарк.  
Унинг қалби бу замон  
Титраб турган ожиз барг.

Ҳой, Орзижон, Орзижон,  
Бир дамгина ором ол.  
Йўқса, куйдирар фиғон,  
Эриб битма шам мисол.

Сўнган хаёл сингари  
Хира тортар шамчиноқ.  
Орзининг киприклари  
Туташар вазмин, чарчоқ...

## VI

Ниҳолни ҳар ёнга тебратар бўрон,  
Чим кўрмаган сувда бўлмайдиган тўхтаган  
Гар севган солмаси қалбига туғён,  
Фироқ бўлмасайди, балки Орзи ҳам —

Баъзи аёллардек қилиб кўз ёши,  
Қалава ўраш-ла ўтармиди ё?  
Ёлғизлик кемириб ёки бардошин,  
Хасдек супурарди ҳаёт бепарво?

Меҳнат қучоғига отилди Орзи,  
Куйган ҳисларини сочди далага.

Далалар — қувончу бахтга тарози,  
Далалар кўмилмас қайғу нолага!

Далалар бағри кенг, эмас тангу тор,  
Ҳиммати ҳам унинг шунга яраша.  
Меҳрини берганга кашф этар баҳор  
Ва баҳор бағрида ўзи ҳам яшар.

Гоҳ эгат бошида ўтириб ёлғиз,  
Маъсум ғўзаларга айтади дардин.  
Гўдакдай ғўзалар тебранар маъюс,  
Уларнинг қўлидан не ҳам келарди?

## VII

Битта томорқанинг ҳаракатида,  
Сув боғлаб, бар уриб юрган Орзихон,  
Бугун сенинг раис деган номинг бор,  
Бу кун ташвишларинг ортгани аён.

Тақилмасдан қолди сочпопуклари,  
Ипак тугунида қолди тилла қош.  
Отга қамчи босар салтлар сингари,  
Зап раис дейишар уни кекса-ёш.

Эсидан чиқарди ёлғизлигини,  
Ташвишлар, ташвишлар дардига дармон.  
Унутгандай сизди ўксизлигини,  
Кўпчилик ишига бўлиб андармон.

Фарзандни ўкситиб қўйганда ҳаёт,  
Гоҳ яна онадек силар бошини.  
Ювошгина қизни айлади шаддод,  
(Ёмғир ялтиратар дала тошини).

## VIII

Теграсига битиб байту тилаклар,  
Балки тиккандир у миңг битта белбоғ.  
Йиғиқсиз қолади ўрам инаклар,  
Тонгда келинчакни элитар мудроқ.

Тўлқинли оқармиш ҳудудсиз уммон,  
Чиқармиш оқ ёлли отда чавапдоз.  
Оқ гуллар сочармиш Орзихон томон,  
Гулимни чаккангга тақ, дермиш холос!

Орзихон қўллари қолар муаллақ,  
Билагин тутолмай кетар ул ботир...  
Сапчиб турар.  
Олам шуълаларга гарқ,  
Қуёш ҳолсизгина қўр сепаетир...

Тушмиди? Кошкниди туш бўлса агар!  
Хаёлми? Хаёл ҳам деёлмас киши!  
Тун ўрнин тонг олган каби сарбасар  
Равшан кўринарди унинг кечмиши.

## IX

Иссиқ деб бетнга упа чапламас,  
Дала кезади у авжи пешинлар...  
Кетмонлар гурс-гурси тинар бир нафас  
Қўлин белга тираб қарар келинлар.

Бир лаҳза ҳордиқни этиб ихтиёр,  
Сояга шошилар йиғитлар, қизлар.  
Бошланар аския, ўйин ва гулёр,  
Сўз бўлиб учади қалбдаги ҳислар.

(Тўқликка ярашар деганлар шўхлик!)  
«Бу кўнглим ениса гар тўлиб куйларми?  
Сапамо, сапамо, кўзларни ўтди,  
Сенингсиз турмушим тотли бўларми?»

Зимдан қараб қўйиб бири бирига,  
«Шундай, ҳа!» деб қизлар қилишеа имо,  
Раис хабардору улар сирдаи,  
Аммо, қош чимриб, ўтар доимо.

Орзихон койирми уларни ноҳақ?  
Гапирса, хивчиндай чарс ботар сўзи.  
Ноўрин даккига равомидир қалб,  
Уларни раижитса, эзилар ўзп.

Қуёш ҳам бир лаҳза тин олар балки,  
Тун бўлса, қушларда уйқу ташвиши.  
Тиниб-тинчирмиди бу аёл халқи  
Елкасида турса уй-рўзгор иши?

Ипу игнасидаи ширмои попгача  
Унинг қўлларида тонар сарапжом.  
Баъзан кашта тикар ошноқ топгача,  
У шундай, меҳнатдан тонади ором.

Буларни раиса билмай, ким билар,  
Аёллар ташвиши ахир бошида.  
Уларсиз қизирми ўйин-кулгилар,  
Барака бўлурми колхоз ошида?..

## Х

Қамчидай жувоп, деб аташар уни,  
Ўйлашар, бегона унга қайғулар.  
Гарчаид, кўп йигитлар унинг мафтун,  
Билмаслар, дилида қанча туйғулар.

Тошни эритади гоҳ муруввати,  
Ушлаган еридан кесар бу жувон.  
Дерлар, қаҳри кўпу, озроқ шафқати,  
Наҳот бешафқатдир аёл деган жон?

Асрий музликларни эритар қуёш,  
Маъдан сим-сим эрир оташ тафтида.  
Томчи чўқийверса тоғ беролмас дош,  
Бундан ҳам буюкроқ, аёл қалбида —

Туйғу бор, ҳаётнинг хамиртуруши,  
Йўқса, нуқта каби сокиндир йиллар.  
Йўқса, бефарқ йилнинг баҳори, қиши,  
Бу туйғу аёллик меҳри дейилар.

Уни сийламади севгида ҳаёт,  
Йўқ кимса ишқини солди қалбига.  
Яна, у келмас, деб эслатар бот-бот,  
Орзининг бағри тош бўлмасин нега?

Бир парча «қора хат» жўнатиб аввал,  
Ортидан муҳаббат берганда тақдир,  
Икки қасос унга келса галма-гал,  
Бас, Орзи бағри тош бўлмасми ахир!

Уша қоғозгами тўксин дардини,  
Қоғоз унингсиз ҳам тортган-ку қора?  
Қайдан излаб топсин ахир мардини,  
Кечиккан севгисин қилсин ошкора?

Келмас у, деманг-да айтингиз, еллар,  
Қайдадир севгига зор кетган юрак?  
Қай томон учирди бебошвоқ йўллар,  
Хок-пойи қандадир, бeringиз дарак!



Қабрида бормикан бирор мармар тош,  
Ё ҳануз номаълум аскар саиалар?  
Гул ташлаб ўтарми бирор қаламқош,  
Ўпарми, ўғлим, деб қабрин оналар?

Рост бўлсайди агар сеҳру мўъжиза,  
Жимит қушча бўлиб учса Орзихон!  
Тундаини сочларин қабр узра ёза,  
Ёш тўкиб, тўкилиб деса: Ёр, уйгон!

Бир лаҳза бўлса ҳам уйгонса кошки,  
Айтиб, улгурса бас «севдим» сўзини.  
Оғир бўлмасмиди соғинчи, ишқи,  
Енгил сезармиди андак ўзини...

## XI

Кузак кирганида бошланар тўйлар,  
Қўлларнинг ҳам андак юмшар қадоғи.  
Оламни қалқитар шодумон куйлар,  
Туну кун ўчмайди қишлоқ чироғи.

Чилдирма созига жўрдир қарсақлар,  
Мис баркашда ҳовур сочиб турар чўғ  
Қимдир раисани ўйинга чорлар,  
Шох ташлаб ўйнар у гўё дарди йўқ.

Ўйнаб ол, Орзижон, ўйна беармон,  
Дилдаги ҳижронинг тўкилиб кетсин.  
Рақсингдан тўйчи ҳам, онанг меҳрибон,  
Шоир қалами ҳам ўргилиб кетсин!

Қошкийди ҳамиша шод бўлса шундай!  
«Келин тушди»ларга чорласа ёр-ёр,

Кўзларига алам чўкар тўтундай,  
Билагида тамом қолмайди мадор.

Аллалар таралган дарвозалардан  
Ўтганда сен бўлар кўзларни ёши.  
«Бешик тўйга» деган овозалардан  
Бошида айланар ёрғучоқ тоши.

## XII

Мени тинчитмади илҳом, ҳаяжон,  
Орзиҳон дардларин титдим бесўроқ.  
Балки бу байтларини ўқиган ҳамон,  
Юрагига яна чаиғ солар фироқ.

Унинг туйғусидек оташин бир шеър  
Ҳали битмагандир биронта қалам.  
Шундай ҳароратда ёнса шеър агар,  
Кул бўлиб қоларди ҳатто қоғоз ҳам.

Битганларим унинг дардидан улуш,  
У қалбда хотира ётар қатма-қат.  
Хотиралар эса жонсарақ бир қуш,  
Қанот қоққач, қўндирмоқлик машаққат.

## XIII

Оналар! Орзунгиз чаман боғ эрур,  
Ҳаётга ранг бўлмиш зиёга монанд.  
Гоҳ ширин орзунгиз аччиқ доғ эрур,  
Бахт деб тутганингиз гоҳида кулфат.

Улоқ деса, отин мишар чаваидоз,  
Кураш деса, белин боғлайди ботир.  
Тўй деса, оналар кўнгли бўлиб ёз,  
Қўша дастурхонга тугади патир.

Тўй деса эсига тушар ёшлиги,  
Келин бўлиб тўрда сузилганлар.  
Сирли ҳаяжони, завқлар тошқини,  
Гоҳо барг мисоли узилганлари.

Зотан оналардек йўқ кечирувчан,  
Қаҳрига дош берар қайси бир одам?  
Оналар ёш тўкса чайқалар чаман,  
Чайқалар кўк қулаб тушгудек, олам!

Она деб, юзига қўёлмай оёқ,  
Орзихон сочларин ўрдирди майда.  
Уни келин деди бегона қишлоқ,  
Қадамларин босди бегона жойга.


Қайнона дер, бори олам сеники,  
Орзу-ҳавасларим, болам, сеники!  
Армонимда қолган даври давронлар,  
Ризқу насибаю бол ҳам сеники!

Илк бора ёрим деб эркалаб Пўлат,  
Келиннинг бошига солганда рўмол,  
Орзихон турарди жонсиз бир сурат,  
На маъюс эди-ю, на эди хушҳол.

#### XIV

Далани яшнатган сухсур келинчак,  
«Келин чорлади»лар гули — Орзихон.  
Қизлар — тўп лола, у — ягона чечак, —  
Дея таърифини қилдилар дoston.

Қанчалаб аёллар қилдилар ҳавас,  
«Бахту тахтликкина сепли келин», — деб.  
Сеп уйни безатар, дилни безатмас,  
Орзихонга севги бўлолмади сеп!



Унниг лабларида ўйнамас ханда,  
Салом ҳам қилмади эрига бир бор.  
Ҳар гал Пўлатжонга кўзи тушганда  
Бодом қовогидан ёғар эди қор...

Ажиб чирой бердинг, бердинг сарв қад,  
Кўзга деб сурмалар этдинг у ижод,  
Биргина юракни айт, эй табиат,  
Севгисиз, сеvgисиз яратдинг наҳот?

## XV

Уйқулар патмисол тўзгиди саҳар,  
Еллар гувурида ҳижрон дарағи.  
Қолди тутилмасдан даста белбоғлар,  
Билагузук кўрмай қизлар билағи.

Севги қадрин англаб етмасдан бугун  
Хайр-хўш дейдимн ойдаи келинлар?  
Қошлар орасига бемаврид тугун  
Тушар бўлди наҳот, дейди кўнгиллар.

Айрилнқ нелигин биларми Орзи,  
Ё писанд қилмади билганида ҳам?  
Пўлат зиммасида йиғитлик қарзи:  
Она, юрт ва сенинг ҳимоянг, санам!

Сен нечук, қийиққа патирлар тугиб,  
Сенсиз совиб қолар ошим, демадинг?  
Намозшомгул каби уйгоқ тонг кутиб,  
Сизсиз сел бўлади ёшим, демадинг?

## XVI

Тўкилмасдан сандиқдағи  
Шоҳи белбоғ оҳори,

Олисларда, олисларда  
Қутар Пўлат баҳорин.

«Ўнгим-тушимда ҳамнафас  
Иўлда қолган орзум, ёр,  
Биттагина, ҳа, кўн эмас,  
Биттагина арзим бор:

Чироқсиз қолмасин хонам,  
Хўп де, тўлдир кўнглимни!  
Ўксимасин ота-онам,  
Билдирма йўқлигимни.

Ўғлинг оқ фотиҳа тилар,  
Меҳрибоним, онажон!  
Олдда синов сўрар йиллар,  
Ортга қайтмас бу ўғлон.

Хуш қол энди, Тошраватим,  
Эй, тикалли йўлкалар!»  
Жангга тикди ўз ҳаётини  
Юк кўрмаган елкалар...

## XVII

Кўрак чувимоқдан позик бармоқлар  
Сарғайиб кетарди қўйгандай хино.  
Хира нур сочарди осма чироқлар.  
Шуни ҳам талашмоқ бўларди дунё!

Куни кеча кетмон дастасин ёриб,  
Тошдай кўсакларни савардик аввал.  
Бармоқ ситилгунча чувирдик ҳориб,  
Уйга тарқалардик тошг отган маҳал.

Кечаги кунидан шунча олислаб,  
Йироқлаб кетганда бугунги инсон,  
Нечун Орзи юрар ўтмишин излаб,  
Нечун хаёллари гоҳ-гоҳ паришон?..

Фарзанд доғин ўзга фарзанд олади,  
Аканинг ўрнини билдирмас ука.  
Гул сўлса, ўрнида гунча қолади,  
Ёр кетса, ёр кетса... ҳаётнинг тилка!

Қирқилган томирдай зирқирар қалбинг,  
Туйгуларинг кулга айланар гўё.  
Қошингда минг жилва қилару, лекин  
Ёрингни қайтариб беролмас дунё!

## XVIII

Тоб ташлаб чарх каби айланди йиллар:  
Кунлар ҳафталарни ўтди тортқилаб.  
Рутубатга тўлиб кечса ҳам кунлар,  
Беш йиллик фироқни кетди орқалаб.

Яна уй тўрида келинлар сулув,  
Таъзим қилишганда яшнади кўзлар.  
Қалбида қулф уриб сирли бир туйғу  
Ойнадан ийманиб қаради қизлар.

Яна суюнчига тутилди белбоғ,  
Шоҳи рўмолларнинг тахи бузилди.

Хушхабарга тўлди кичкина қишлоқ,  
Чамандан шудрингли гуллар узилди.

Лек, гужум дарвоза, ўнгиб ранглари,  
«Суюнчи» деганин кутар паришон.  
Билмасдан Пўлатнинг келмас, келарин,  
Лоқайд юрар эди келни Орзихон.

Келинлик бурчийди бу даргоҳ аро  
Уни ушлаб турган ягона тугун.  
Кўзларин чирт юмиб кетарди, аммо  
Қайнонасин этмай дер эди дилхун.

Ўғилдан бўлмагач пому нишона,  
Келинга розилик берди муштипар.  
Борми бундан ўзга чора, баҳона,  
Икки дпл бир ип-ла уланмаса гар?

Сўнг кетди,  
Ортида қолди ёр-ёр,  
Йўлларини тўсди акс-садоси.  
Қолди ҳовли узра парвона анҳор,  
Қолди келинликнинг маъсум дунёси...

## XIX

«Насибаси улуғ, бахти ҳам бекам,  
Унинг йўриғида каттаю кичик.  
Ҳамманинг дардига топади малҳам,  
Топади, ҳаттоки жонидан кечиб».

Ҳал  
Фақат ўзига тополмас чора,  
Кимгадир интизор, қутлуғ эшиги,

Гоҳ қўнгли тоғдайин, гоҳида пора...  
(Дарднинг бўлмас экан катта, кичиги!)

Гоҳ дейди: «Нораво ишқдан демагим,  
Йиллар зулфимгача кетди оқ сочиб.  
Қирқ битта баҳорнинг тотдим намагин,  
Қўз олар чиройим ҳам кетди кўчиб».

## XX

Энди-чи...  
Пўлатга Орзи интизор,  
Айтмоқчи бўладп арзу баёнин:  
Лой кечиб ўтгани ёмғирли баҳор,  
Дилда ардоқлаган сирли дунёни —

Айтмоқчи бўлади...  
На чора, ўтмиш  
Минг бир таҳрирда ҳам асли қадимдай!  
Биргина илинжи — эртанги кутиш,  
Биргина илинжи сўнгги қадамдан...

## XXI

Кириб келди яна қўнғироқ,  
Калапатра бўлган хаёлга!  
Бир дақиқа ўтдими бу чоқ,  
Е ўтмади?  
Сўнгги саволга...

«Орзи, сенга бунчалар иззат...  
Арзирликми қилган ишларим?  
Шараф сенга, эй ҳалол меҳнат,  
Қишлоғимнинг мард кишилари!»



Қўзларимни тўсса-ю зулмат,  
Узини сенсиз қилсам тасаввур,  
Юрагимни кемириб кулфат,  
Ҳаётимда қолмас эди нур.

Бирпас мени этманг томоша,  
Йиғлаб олай қувонганимдан!  
Сизлар билан ошкор ҳаммша  
Ҳўлу қуруқ ёнолганимдан!

Йўлингизга тўкдим меҳримни,  
Яхши сўзим аямадим ҳеч.  
Сизга сочдим гоҳо заҳримни,  
Қора рангга бўялмадим ҳеч!»

Салим бобо — кекса коммунист —  
Вазмин туриб сўз олди, ана.  
Нигоҳида ўзгача бир ҳис  
Ва нутқида таниш таитана.

«Ёзинг!  
Келинчак денг!  
Қувонсин қизим!  
Партбилетин беринг қўлига.  
Хурсанд бўлсин, ёришин юзи,  
Мағрур юрсин юрган йўлида!»

## XXII

У йўл олди даласи сари,  
Ташвишлари бошланди энди.  
Пахтазорнинг ойдин нурлари  
Кипригига ёш бўлиб қўнди.

Заранг ерлар энди пахтазор,  
Энди сойлар ўрнида уммон.  
Хопаларга улашиб баҳор,  
Завққа тўлиб янграйди ёр-ёр.

Қўнгилнинг бир тилими ҳилол,  
Қўнгиллардай бу кеч чароғоп.  
Кексайгандай туюлар ҳаёт,  
Яшарганга ўхшайди жаҳон!..

*1967*

НОЗИК  
(Ўтмишдин)



Тошравотнинг қоқ ўртасидан —  
 Оқиб ўтар эди Зарафшон.  
 Гуркираган баҳор фаслида  
 Тошиб кетар эди Зарафшон.

Омонат уй турарди, асов —  
 Тиниб-тинмас дарё бўйида.  
 Унда яшар келин ва кувёв,  
 Эртан куннинг орзу-ўйида.

Довруқлар! дoston чавандоз,  
 Пойгаларнинг лочини — Расул.  
 Келин эса — Нозик, хушовоз,  
 Гўзалликда танҳо эди ул.

Эмас эди кувёв бадавлат,  
 Рўзгориди гоҳ у, гоҳ бу кам.  
 Суянчиги биргаша меҳнат,  
 Юрагида эса битта ғам.

Ёри ўксиб қоларкан гоҳо,  
 Қўша-қўша узугим йўқ, деб.  
 Қололмайини бунга бепарво,  
 Ингит бағри ёнаркан чўгдек.

«Шодликларинг бўлсин бир жаҳон,  
 Ғамларингдан қолмасин асар!»—

Дея отга минди Расулжон,  
Нозик уни қувнаб кузатар.

«Қаламқошим, фақат сен учун  
Олнс сафар этдим нхтиёр.  
Мен қайтамай, ҳа, қайтганим кун  
Бўлажаксан чиндан бахтиёр!

Эмиш: катта тилла кони бор  
Қармананинг яйдоқ чўлида,  
Белбоғ бергил белимга, дилдор,  
От сураин омад йўлида!

Келган куним бўйинг баравар,  
Бошгинангдан тилла тўқарман.  
Бармоғингга ҳақиқу гавҳар —  
Қўша-қўша узук тақарман.

Агар етти ойда қайтмасам,  
Мард эмасман — шу йигит сўзим!  
Қўнгил узма, йиғлаб юрма ҳам,  
Йўлларингга қара, ёлғизим!»

Бир дам оқмай турар Зарафшон,  
Саёз жойдан кечиб ўтар от.  
Қамчи, қамчи босар Расулжон,  
От учади чиқариб қанот...

Яна дарё жим-жит оқади,  
Ташвишлардан, ғамлардан халос,  
Нозик унга қўрқиб боқади,  
Юрагига тушар бир ҳарос.

## 2

Шундоқ дарё бўйида  
Бир уй турар омонат.

Расулжоннинг кўйида  
Нозик ҳамон бетоқат.

Сизот сувдай сирғалиб,  
Оқиб кетди етти ой.  
Гоҳ сиргадай сарғайиб,  
Баркаш бўлиб ўтди ой.

Қайтди-қайтди турналар  
Яна она юрт сари.  
Дарё узра сирналар  
Навбаҳорнинг салари.

Нозик дер: «Соғинч-оҳим  
Томди ёвгон ошимга.  
Саломат кел, плоҳим,  
Ёлғизгина бошимга!»

### 3

Тинчитай деб дард, эҳтиросин,  
Овутай деб соғинччи, жўшиб,  
Зарафшонга боқару Нозик  
Ҳорғингина айтади қўшиқ:

«Дурлар олиб келгини дегунча,  
Кесилмасми эди тилгинам?  
Етти ой деб кетдингми шушча,  
Билмам сенга элтар йўлни ҳам,  
Уча олмайман!

Эй, Зарафшон, наҳотки сенинг  
Тўлқинингда қайтмас у кунлар?  
Ўртамизга тушган тугунининг  
Учи қайда? Ечимсиз улар,  
Еча олмайман!

Айри йўлда қолдикми, тўрам,  
Эҳ, у йўллар икки қутбдир.

Қалбимизда битта бедод гам,  
Битта армон занглаб ётибдир,  
Кеча олмайман!»

#### 4

Келмади бағри тош,  
Юрак-бағри бўлди сув,  
Соб бўлдимни бардоши,  
Фол очинг деб келди у.

Фолбин кампир кўзгуга  
Боқиб турди-да узоқ,  
Сўнг сўйлаб берди унга  
Не сир кўрганни шу чоқ:

«Қизгинам, пешонамда  
Бор экаи етти ўғлон.  
Ҳув, ана остонамда  
Ҳумоюн кўрдим аён.

Билсанг агар, Расулжон —  
Туни уйғоқ ўтармиш.  
Учмоқ бўлиб сен томон  
Қўкдан нажот кутармиш.

Рустамни дoston мисол  
Расул иши ўнг келар.  
Олиб узук, заррўмол,  
Етти кундан сўнг келар».

Бир жуфт қашқар балдоғни  
Камширга ташлаб кетди.  
Хира тортди фироғи,  
Умиди яшнаб кетди:

Дарё тўлқини бу он  
Тебраниган етти бешик.



Уларда етти ўғлон...  
У алла айтар жўшиб:

«Чимилдиқда бўйинингга мос  
Бир сарвар қиз сузилсин-о, алла-ё.  
Сени кўрса гуллар қийғос  
Банд-бандидан узилсин-о, алла-ё!

Бўйнимдаги шода маржон  
Ерга кетди сочилиб-о, алла-ё.  
Ўғлим тулпор мингаи замон —  
Йўллар кетсин очилиб-о, алла-ё!»

## 5

Умидлари снғмас бир сўзга,  
Битта сўзга снғмас армони,  
Таянчи йўқ умиддан ўзга,  
Дардлари ҳам дарднинг ёмони.

Ёприлади яна пушаймон,  
Ўз-ўзини кечиролмас у:  
«Дурлар керак эмас, Расулжон,  
Омон келсанг — меннинг бахтим шу!»

Елдек учиб ўтди етти кун...  
Тақдиридан бўлиб порози,  
Фолбин камшир олдида бугун  
Нажот сўраб турибди Нозик.

Олиб келди ярим коса сув,  
Унга туз ҳам ташлади камшир.  
Сувга узоқ боқиб турди-ю,  
Сўнг кўрганни айтди бирма-бир:

«Пок бўлармиш оқар дарё  
Авжи ҳамал келганда.  
Тўлқинига сирли зиё —

Тушарминш ой тўлгаида,  
Ихлос билан узук тутсанг,  
Нур тушса узугингга,  
Тирик бўлса гойиб кимсанг  
Кўришди кўзингга!  
Агар ўнгдан келса фолинг,  
Кўрсанг бир бора уни,  
Меникидир оқ рўмолинг,  
Узугинг ҳам шу куни!»

\* \* \*

Ишонмайди. «Ишон!» — дейди  
Шунда умиди потраб.  
Ишонади. Хаёл — дайди,  
«Бефойда!» — дейди титраб.

Яна умид келар голиб,  
Дейди: «Ишон, ҳақиқат!»  
Ва кўнглига қутқу солиб  
Чарх уради муҳаббат.

«Елгон эмасдир ҳар қалай,  
Бунда бордир бирор сир».  
Бир ишониб, бир ишонмай,  
Нозик ишонди охир...

## 6

Тошқинларга қилмай парво,  
Бир уй турар омонат.  
Нозик ўзи уйда танҳо  
Ўтиролмас, бетоқат.  
Гўё келгил, дер, Зарафшон —  
Тўлқинларн сустгина.  
Унбеш кунлик ой паришон  
Термилар нурсизгина...

Тақмасмиди у бармоққа  
Еқут кўзли узугин,  
Келмасмиди бу қирғоққа,  
Тинч хаёли бузилиб,  
Нима қилсин дилда ғулу,  
Умид ёнса беқарор?  
Келмоқда у. Келмоқда у,  
Ихтиёр-беихтиёр.

Соҳилга тиз чўкар жувон,  
Ерга ёяр оқ рўмол.  
Ким билар, бу соҳил томон  
Юз бор келар эқтимол?  
Бу кеч дарё қирғоғини  
Нурга тўлдир, тўлин ой!  
Бедардларнинг чироғини  
Нурсиз қолдир, тўлин ой!  
Бор нурига айла-ю жам,  
Шул узукка жойла, ма!  
Кетганни кўрсин у ҳам,  
Қароматинг аяма!  
Кутди уни тонгда сабо —  
Кутганидай ғунчалар.  
Алпомишни Барчин ҳатто  
Кутмагандир бунчалар.  
...Элас-элас эшитилар  
Отнинг дупур-дупури.  
Гўё «Чўҳ» деб кимдир келар...  
(Тўлқин ўтар кўпириб...)  
«Бунча секин юрар отинг,  
Бўл, қамчи бос, қамчи бос!  
Учмоққа-ку мен қанотинг,  
Шошилиброқ кел, шаввоз!»  
Дупур-дупур, яна дупур...  
Нозик қўл чўзган замон —  
Қафтларига бир тўп бужур

Тош тўкилар... Беомон —  
Телба оқим борар сузиб...  
Кишнаган от қаёқда!

Нозик кетар умид узиб,  
Ой ботганда қирғоқдан.

Келар Нозик қирғоқ томон,  
Ерга ёяр оқ рўмол.  
Ун беш кунлик ой чароғон.  
Тилла узук. Ва шамол.  
Гувиллайди нохуш шамол  
Титратиб нур-ипларин.  
Сигдиролмай қалбига лол,  
Сувга айтар гапларин:  
«Ёрим қайтса, тут шохига  
Арғимчоқ солиб берса.  
Тўйларга деб оқ шоҳидан  
Кўйлақлар олиб берса...  
Мен ҳам кулиб-кулиб юрсам,  
Эҳ, тўкмасам қатра ёш.  
Ҳаётимга нур уфурса  
Шунча йил пинҳон қуёш,  
Майли, сенга шодликларим —  
Ярмини берай, дунё!»  
Шамол ҳам жим. Қоинот жим.  
Жимгина оқар дарё.

Қораяди сутдай қирғоқ,  
Борлиққа тушар парда.  
Тўлқин тошар тоқати тоқ,  
Қимгадир қилар зарда.  
Шитоб-шитоб эшитилар  
Отнинг дупур-дупури  
(...Дам-бадам тўлқин урилар...)  
Дарё оқар кўпириб.

Кишнагандай бўлади от —  
Ер депсинар, тисланар.  
Сағрисида кумуш қанот...  
Тилла қуббали эгар...  
Нозик сапчиб турар шу пайт,  
Югуради телбаҳол.  
Қичқиради: «Ҳой, йигит, қайт,  
Мен Нозикман, қайта қол».  
«Келдинг-а»,— дер Нозик тинмай,  
От жиловин тутганча.  
Нега Расул парво қилмай,  
Ўйнатиб борар қамчи?..  
Бирдан кўприк бўлди пайдо,  
От кўприкка бурилар  
(Сув юзида ушбу асно  
Бир боғлам қамиш келар...)  
Тутганича қўлда маҳкам  
Жиловни (...оқ рўмолни!..  
Нозик борар от ортидан,  
Чегга суриб шамолни.  
Отлиқ эса ҳамон йўртар,  
Узоқлашар ораси.  
Кўприкдан ҳам, ана ўтар,  
Тамом ўчар қораси.  
(...Оқ рўмол ҳам қушдай сузиб  
Кетди тўлқин бағрида.  
Қафтларидан тилла узук  
Тушди дарё қаърига...)  
Кўприк (...қамиш) бўлди ниҳон,  
Қирғоқ қолди ҳувиллаб.  
Сузар Нозик гирдоб томон,  
Рўмол оқар ҳилпираб.  
Йигитмиди кўрипган ул,  
Кўприкмиди, ким билар?  
Нозик эса «Қайт»,— деб нуқул,  
Дарё ичра тентирар!..

Бир ишонмай, бир ишониб  
Тинглагандим бир замон...

Далаларга севинч олиб  
Шошиб борар Зарафшон.  
Тошравот ҳам яшнаб ётар  
Эртан куннинг ўйида.  
Қарвон-қарвон олтин ўтар  
Жажжи қишлоқ йўлидан.  
Зарафшонга термилсам лол,  
Эсга тушар у жувон,  
Сувда оқиб кетган хаёл,  
Сув бўлиб оққан армон.  
Қалбим титрар, учса оққуш,  
Эмасми деб оқ рўмол,  
Рўмол сари келар ноҳуш  
Назаримда, у Аёл.  
Қалбим титрар, дарёда, рост,  
Ялтираса агар лаъл,  
Узук, деб қўл чўзар бехос  
Назаримда у Аёл.  
Ой нурига тўлса оқшом,  
Мсни тинчитмас хаёл...

Йўқ, ўзгарди ҳаёт тамом,  
Нурга юз чайди Аёл!  
Йўқ, йўқ, бугун тошмас дарё,  
Бахт ҳам бугун эмас фол.  
Сувга айтиб дардин, асло —  
Ўксиб юрмайди Аёл.  
Орзулардан яйрар кўнгли,  
Мўҳаббати безавол,  
Ёрқин йўлли, ёрқин йўлли —  
Ватанимда ҳур Аёл!

1968

# ҲАЁТГА ТАЪЗИМ





1

Кун нурида яйрагандек гул  
Қиз буй чўзди она бағрида.  
Етимлигин сезмас эди ул.  
Доғ йўқ эди тилакларида.

Алгов-далғов уруш йиллари  
Кетганида ота бедарак,  
Ёлғиз қизи — жони жигари  
Қувнар эди мисли капалак...

Она унинг ёруғ жаҳони,  
Орзулари шу она ёлғиз.  
Йўқдай эди бахтнинг поёни,  
Келмагани ғамга юзма-юз!..

Уч кунгина ётди онаси,  
Ёстиғидан кўтармади бош.  
Иситмада ёнди танаси,  
Кучдан қолди. Соб бўлди бардош...

Бўронга дош бермаган денгиз  
Итқитгандай хасни қирғоққа,  
Кун чарақлаб ётган бир кундуз  
Топширдилар уни туяроққа.

Еттиси ҳам, йигирмаси ҳам  
Ана-мана деғанча, ўтди.  
Бу ҳовлидан, тоғаси — Ўктам  
Зиёдани кўчириб кетди:

«Бола фақир бўлар жизғинак,  
Бунда ёлғиз... қиз боши билан..  
Ўғил бўлса — йўриғи бўлак,  
Иш тутарди ўз боши билан!»

Қиз кирганда хаёлчан, сокин:  
— Фарзандимнинг бўлдинг, деб боши,—  
Бетларидан ўпдию, секин,  
Кеннойиси қилди кўз ёши.

Тоға қизнинг бошини силаб  
Хўрсинарди, титрарди тани.  
(Қолиб кетди уйи ҳувиллаб,  
Қўрқарди қиз қадам босгани.)

## 2

Етиб келди ҳадемай байрам,  
Қизлар чиқди ясаниб бари.  
Зиёда жим ташларди қадам  
Она ётган қабристон сари.

Кечагина ёққан ёмғирдан  
Кўпчиганча турибди қабр.  
Қиз ўзини отди-ю бирдан,  
Сўзлай кетди довдир, бесабр:

«Дийдорингни бир бор кўрарга  
Ёниб-ёниб келди бу мунглинг.

Мени ташлаб ғам-қайғуларга,  
Қийналмасми, онажон, кўнглинг!

Ҳовлимиз ҳам бўлди ажриқзор,  
Дарвозага қулф тушди, онам.  
Кенг кўчалар кўринди-ку тор,  
Қоп-қоронғи бўлди-ку олам.

Қизларини лоладай қилиб,  
Сайлга олиб чиқди оналар.  
Бугун байрам эканин билиб,  
Нечун жимсан, онам, тонг-саҳар?

Шувалмасдан қолди-ку ўчоқ,  
Оғзигача босди уни кул.  
Тирик эдинг... Ҳамма-ҳаммаёқ  
Яшнаб ётар эди қоплаб гул».

Зир югуриб қиз кетар уйга.  
Супа ёруғ. Хоналар ёруғ.  
У — оташин, юраги куйган,  
Овутгувчи онажони йўқ.

Онаси қўл урган неки бор —  
Кечагидек турибди ҳамон.  
Қиз уларга тикилади зор  
Зўрға топган омонатсимон.

### 3

Кундузлари ўтар, беғубор:  
Тонг-ла мактаб, тушдан сўнг — дала.  
Кун ботса бас. Дард ила озор  
Қиз юрагин қилар дабдала.

Қош қораяр. Қўча тўлдириб,  
Болакайлар шаталоқ отар.  
Дарвозада узоқ ўлтириб,  
Қиз паришон, хаёлга ботар:

Онасини солиб минг кўйга,  
Ирғишларди худди тойчоқдай.  
Ҳадеганда, кирмасди уйга  
Қўли тегмай бекинмачоқдан...

Болаларин ким неча йўлдан —  
Топиб, жиндай койиб, ҳовлиқиб,  
Бир хипчинни силкитиб қўлда,  
Кеннойиси келар толиқиб.

Сал ётсираб турган қизни ҳам  
Болаларга қўшиб, ҳай-ҳайлаб,  
Олиб кирар.  
Сўнгра — хотиржам,  
Дастурхонин ёзар авайлаб.

#### 4

Беланчакка бошини қўйиб,  
Сийнасини тутиб ўғлига,  
Кеннойиси мудрар.  
Қиз тўйиб  
Ухлолмайди; ярим кўнгилга —  
Уйқу сиғмас...

Кеча эди: ўпиб қизини,  
Ўргилай, деб, ҳар бир қадамда,  
Уни «сиз»лаб, «сен»лаб ўзини,  
Мактабига жўнатар дамда

Изларига термилиб узоқ,  
Дарвозада қоларди она.  
Зиёдани пешинда муштоқ  
Яна кутиб оларди она.

Бозор куни гоҳо чанқовуз,  
Гоҳи эса қўғирчоқ олиб —  
Келарди у. Барин эслар қиз —  
Ўз-ўзидаи хўрлиги келиб.

Гоҳо-гоҳо ёқимли бир куй  
Қиз қалбида оловдай сизар.  
Бирдан... чуввос йиғи, оғир ўй —  
Яна унинг кўнглини бузар.

Дардларинн елларга сочса,  
Дунёларни кезса пнеда,  
Бу садодан йироққа қочса,  
Кетса қани эди Зиёда!

## 5

Ялтилллатиб, сирғалар тақиб,  
Шоҳиларга ўралиб, яйраб,  
Дугоналар келарди оқиб,  
Бирн жимнб, бирпси сайраб —

Зиёдага берншар далда,  
Кўтарншар чўккан кўнглини.  
Қиз уларга қилару зарда,  
Чиқар, кутмас суҳбат сўнгини:

«Етимдан ҳол сўраш савоб, деб,  
Келибди-да булар, аяжон!»

Келганига роса изза еб,  
Бўлишарди қизлар пушаймон.

Қизлар кетар бир йўл бўлишиб,  
Ўз онасин бағрига шодон.  
У қоларкан қалби увишиб,  
Қўрқиб боқар ҳовлиси томон.

## 6

Унингчини битирди қиз ҳам.  
(Ишонмасдан юрардилар ҳеч —  
Ғийбатчилар, бўлдилар мулзам!)  
Ўз ёнига ўтқизиб бир кеч —  
Тога вазмин сўзлади: «Шукур,  
Мана катта бўлдингиз, қизим.  
Қам эмасмиз бировдан ахир,  
Насиб бўлса, ўқишга ўзим —  
Олиб борай...».

Қизни босар сир...  
Борай деса, тортмас оёғи.  
Бормай деса... эҳ, яна оғир!  
Энди нима бўлар бу ёғи?

Бўйчан бир қиз; юзлари чувак,  
Қадамлари майин, шаҳди паст.  
Андак мағрур. Оҳудай ҳуркак.  
Қундуз мисол қошлари пайваст.

Қўплар қараб шу пайваст қошга  
Дерлар: «Бу қиз тушмас узоққа.  
Қўнгил узиб кетмайди бошқа  
Биронта бир чекка қишлоққа».

Қора нимча, оёқда — туфли...  
Ҳалигача эди азадор.  
Қамсуқуму, лекин лутфли...  
Сўзларида бир синиқлик бор.

Шундай эди мен кўрган замон  
Баҳордан юз ўгирган гунча.  
У тенгилар эса беармон —  
Яйрашарди кўнгил тўлгунча...

Ўз тенгини излаб ҳаётда,  
Яхши бир касб қилишиб ҳавас,  
Учиб орзу берган қанотда,  
Кўзгуларга боқиш билан маст.

Тўй мажлиси бўлган кечалар  
Келинчакдан совға ундириб.  
Ёр-ёр айтар, чилдирма чалар,  
Тўйхонани қизлар тўлдириб.

Так-така-тум-так. Така-тум-так.  
Бардош, тоқат, чидам, қайдасиз?  
Так-така-тум-так. Така-тум-так.  
Қулоқларин шарт бекитар қиз.

Қуюн каби учар уйига,  
Дарвозани ёпар тақа-тақ.  
Кўлмак бўлиб ётган ўйига  
Куй ёгилар: Так-така-тум-так.

## 7

Бир йил ўтди. Ўйлади ўбдон.  
Кўклигини ечди бир куни.

Бўм-бўш ётган ҳовлиси кўпдан  
Чорлагандай бўларди уни.

Жиянларин стаклаб, гоҳи —  
Келиб, ҳовли супурарди қиз,  
Йўл кўрарди шунда нигоҳи,  
Чулғар эди уни ёруғ ҳис.

## 8

...Совчиларнинг қадами тинди.  
Қиз тенгилар кўришди рўзгор.  
Унга пешвоз турарди энди  
Ун тўққиз ёш, ўн тўққиз баҳор.

«Биронганинг этагин тутиб,  
Ўз-ўзидан тинсайди зора»,—  
Ич-ичидан бир алам ўтиб  
Қийналарди тоға бечора.

Машҳур мироб эди асли у,  
Бир районнинг суви — қўлида.  
Дарёлардан у келтирган сув  
Ўйноқларди чўллар йўлида.

Бутун ёзи ўтди ташвишда:  
Эски уйни қилди лойсувоқ,  
Қуни ўтди кўчат ташишда,  
Уста топди, топтирди бўёқ.

Гул кестирди равоқларгача...  
Ток кўмдирди ҳовли саҳнида.  
Тандиру газ-ўчоқларгача,—  
Ҳаммасини қилди янгидан.



Синчи чириб кегган иморат,  
Ёмғирларда нураган девор  
Қайта бошдан тиклади қомат,  
Она руҳи бўлди мадаккор!

Бўлса ҳамки бир қадам узоқ,  
Жиянига қизларин қўшиб,  
Кўчиртириб қўйди.  
(Катта тоғ  
Елкасидан кетди-да тушиб!)

Дарвозани очган палласи  
Бир нур тўлди қизнинг кўзига.  
Онасининг интиқ нафаси —  
Урилгандай бўлди юзига.

## 9

Ҳаёт!  
Сени қилай деб ғорат,  
Ажал даҳшат солса жаҳонга,  
Ҳалоскоринг бўлар муҳаббат,  
Тап тортмасдан тушар майдонга...

## 10

Бўм-бўш саҳро четида ёлғиз  
Милтираган шаъмдаин бир пайт  
Кўзларига чалинди шу қиз,  
Овунтирди уни муҳаббат.

Ачинмади қизга ва лекин  
Тегмади ҳам дилига қаттиқ.

## 47

Узин тутиб олганда, секин —  
Деди: —  
«Шундай ҳикмат бор аччиқ:

Оналикни қиларга даъво  
Йўқдир, асли ҳеч кимнинг ҳақи.  
Сен йўлимни тутсанг мабодо,  
Онанг каби бўлурман яқин!..»

Қиз узатиб, кўзин ёшлаган  
Волиданинг порлоқ бахтида,  
Атак-чечак қадам ташлаган  
Гўдакнинг илк завқу шахтида,

Биринчи бор исирға таққан  
Қизалоқнинг чулдирашида,  
Булутларни ҳайдаб, тутаққан —  
Қалдиरोқнинг гулдирашида,

Най овози сокинлигида  
Титраб турган майин сукунат  
Ва баҳорнинг ҳокимлигида —  
Ҳаммасида ёнди муҳаббат; —

Эшигидан оққан сув каби  
Ўтаверди қизнинг ёнидан.  
Туйғуларга тўлди қиз қалби,  
Чироқ ёнди хонадониди.

Қиз йўлини тўсган қора дуд,  
Юрагини босган қурумда,  
Кўз ёшига чўкмаган умид,  
Соғинч тўла нимтабассумда

Лов этдию ёнди муҳаббат,  
Ловиллади мисоли гулхан.  
Юрак ёнди, ёнди ғам, ҳасрат,  
Ҳовли бўлди қайтадан гулшан.

Парвонадай кул бўлса ҳамки,  
Ёнса-ёнсин ул ўтда юрак!  
Интиларди Зиёда ғамгин,  
Интиларди ишққа жонҳалак.

Бу ҳовлининг ҳар кўкатиға  
Сингиб кетган заъфар тусини,  
Синчлардаги ғиштлар қатида —  
Шўрлаб ётган захлар исини

Селгитолди шамол бўлиб ишқ,  
Чаман қилди бу ғариб боғни.  
Энг мусаффо хаёл бўлиб ишқ —  
Қиз қалбидан сидирди доғни.

## II

Таниш ҳовли нигоҳим тортар:  
Дарвозаси ланг очиқ бу он.

Янги ўчоқ бошида ётар  
Тўнкарилган катта дошқозон.  
(Шогирд тушди миробга Усмон —  
Йилми — баланд, юраги — олов.  
Қизни севиб қолди ногаҳон,  
Устозига бўлди ичкуёв).

Йиғилганди бутун бир қишлоқ.  
Бўлар эди «Келин чорлади».  
Таниб қолдим у қизни, шу чоқ  
Кўзларимда севинч порлади.

Сузиларди энг тўрда келин,  
Салом қилар такрору такрор.  
Хўп томоша қилдим-да, кейин  
Зиёдага дедим бахтиёр:

— Қулоғингда ўрнашиб қолган  
Марсиянинг босиб овозин,  
Сенинг маъюс кўнглингни олган —  
Ишқ — ҳаётнинг сеҳргар сози!

У бошланса, тиним билмагай!  
Оқангларга тўлар бегумон.  
Улимни ҳам писанд қилмагай,  
Унинг йўли мангу чароғон.

Майли, суюк онангни эсла,  
Тутсайдим, деб, ўз қўлим-ла чой...  
Йўқ, бу дамда у соғинч ҳислар  
Қўшар эди ҳуснингга чирой...

Муаллима келин дейишиб,  
Ҳавас қилиб тимдай уйини,  
Елкасига қоқиб суйишиб,—  
Мақтарди эл қизнинг тўйини...

Зиёдани ўйлаб қоламан:  
Сидқидилдан таъзим қилар у.  
Қайта бошдан кўкарган чаман —  
Сен, ҳаётга салом қил мангу!

Тоғанг сенга кўрсатган шафқат —  
Оқибатга таъзим қил энди!

Кўз ёшингни аритган қудрат —  
Муҳаббатга таъзим қил энди.

Келин ҳали сузилар тўрда,  
Нигоҳида бир ихлос кулар.  
— Мактабингга чиққанда эрта  
Сенга қанча кўзлар тикилар.

Сен синфга кирганинг маҳал —  
Алифбенинг тўнғич сатрини —  
Ўқитмасдан туриб, энг аввал —  
Ўқувчингга ҳаёт қадрини

Англатарсан.

                                Гувоҳ шу тупроқ.  
Кўзларига қара-чи бир бор.  
Танидингми уни, қизалоқ?—  
Рўпараигда чарх урган баҳор —

У муҳаббат — ҳаётнинг қалби,  
У садоқат аталган дoston.  
Сен умрбод у нурга талпин,  
Қоқилмайсан шунда ҳеч қачон.

У куйларнинг ажиб жаранги,  
Дарёдаги тошқинликдир у!  
Ҳар юракда тугилар янги,  
Туйғуларда жўшқинликдир у!

Ток барглари слийди шамол.  
Янги тандир қизиб ётади.  
Истараси иссиқ бир аёл  
Сув уради, патир ёпади.

Кенг ҳовлида чироқлар ёниқ...  
Ноз-неъматга тўла дастурхон.  
Нигоҳлари тиниқдан-тиниқ,  
Салом қилар келинчак ҳамон!

Бағри тўлган қайнонадай шод,  
Шивирлайди жонажон қишлоқ:  
«Мен кафилман, ўчмас умрбод  
Бу хонада ёқилган чироқ!»

*1970*

# ОНА-ЕР СОФИИЧИ





## МУҚАДДИМА

Бедазорни тутган беданаларнинг  
Содда ва жарангдор сайраши ҳаққи;  
Йўлларингда соғлом, шўх болаларнинг  
Сарпойчан югуриб яйраши ҳаққи;  
Тоғлар ғалаёнин елкага ортиб,  
Тўлқин урган чексиз наҳрлар ҳаққи;  
Ўтмиш ёди ҳаққи, иқболдан тортиб  
Меҳру рағбат ҳаққи, қаҳрлар ҳаққи;  
Бугдой ўрар экан хиргойи билан  
Сени кўзга суртиб ўпганда деҳқон,  
Баҳорнинг одатий чиройи билан  
Яшариб кетганда бу қадим жаҳон,  
Мен севиб, севишиб куйламоқ бўлдим,  
Безавол, беминнат, бедаҳл мулким,  
Сени, Она-Ер!  
Дунёдан тўйган ҳам, тўймаганлар ҳам,  
Севгида куйган ҳам, куймаганлар ҳам,  
Сени бахтга йўйган, йўймаганлар ҳам,  
Қучоғингда топиб мангу фароғат,  
Сени, Она, дер.

Омад тила менга, қўлларинг очгил,  
Фарзандга камолдир она дуоси!  
Қуёш, нурларингни дон каби сочгил,  
Сатрларим унсин майса қиёсли.

Ахир, сен, эй Қуёш, минг-миллион йиллар  
Шу ер деб, Ватан деб хизматдадирсан.  
Сени муқаддас деб атади эллар,  
Нурли меҳнатингдан иззатдадирсан!  
Сенинг юксаклигинг, сирли қучоғинг  
Ернинг фарзандига бахш этди қанот.  
Йироқ юлдузларнинг умид чироғин  
Қўлга киритай деб учди одамзод.  
Буюк Ер ва чексиз само йўлида  
Инсоннинг закоси бир пиллапоя.  
Юксак орзуларнинг порлоқ гулидан  
Ва Ер соғинчидан қилай ҳикоя.

### АССАЛОМ, ПАРВОЗ!

Қулоқни қоматга келтирар шовқин,  
Самовий кийимда қўл эпга келмас...  
Салом, улуғ осмон, эй, парвоз завқи,  
Бундан буюк қувонч йўқдай бу нафас.  
Эй, ёру дўстларнинг макони — Замин,  
Ҳаётнинг ҳеч ўчмас олови — Қуёш!  
Моддий ҳаёт бахти, тўю ҳашамин  
Ешгина жонига қилиб айирбош,  
Акбарбек учмоқчи мовий фалакка!  
«Старт»ни кутади фазовий кема.  
Қаҳрамонлик ва кўк яккама-якка!  
Юрагига тушар сўнгсиз ваҳима.

Гўё Ер қалбидан узилар томир,  
Булутдай ёйилар ҳавода тутун.  
Девдай силтанади чўнг кема ҳозир,  
Қучли портлаш тутар саҳрони бутун.

Қаптар учиргандай жуфт меҳрибон қўл —  
Тирговучлар тушди, ракета учди...

Қўлларинг очганда тиладинг оқ йўл,  
Она-Ер, кўнглингдан нималар кечди?

Темир қанот бўлиб чағ-чуғ қушчаси,  
Учди-кетди гўё, бағри бўш қолди.  
Ақлу заковатнинг тўнғич гўшаси —  
Она-Ер кўзига нега ёш олди?  
Ахир, ўнта бўлса, бошқадир ўрни,  
Қирқта бўлса, ахир, қилиғи бошқа...  
Энди бошланмоқда Акбарнинг умри...  
Не учун кўзлари тўлмасин ёшга?!

Кузатиб қолишган нигоҳлар бу кез  
Уфқлар гирдига нур бўлиб инар.  
Қуйруқли юлдуздай солиб кўкка из,  
Олис юксакликда кема беркинар!

Йўқ, эртак эмас бу! Бўлсайди эртак,  
Девларни банди банд этаркан осон,  
Тилсим нима эмиш, иш тутиб сергак,  
Тоғни тўптош қилиб ўйнарди инсон!  
Тирик жон учмоқда! Ғолиб одамзод!  
Табиат ҳам бунга келтиролмас шак.  
Ақлу идрокидан ясаб нур қанот,  
Акбарбек учмоқда!

Онага келсак:  
Юрагини қанча умид тўлдириб,  
Қалбини титратиб шубҳа, ҳаяжон,  
Хаёл сурар остонада ўлтириб:

«Сенга кимлар сиғинмади, эй, осмон!  
Бахт-қувончга, ғам, кулфатга, меҳрга,  
Муҳаббатга, ҳижронларга гувоҳсан.



Дил жўшганда, руҳ тушганда, қаҳрга,  
Туғёнларга, фиғонларга гувоҳсен!  
Сен бегуноҳ, поксан оқ булут қадар,  
Сен Заминга абадий ёру йўлдош.  
Қоралиқдан, жиноятдан алҳазар,  
Ҳар нарсада сўнмоқ бор, сен — мангу ёш!  
Боқийлигинг, бедорлигинг, борлигинг,  
Чексизлигинг, навқирон умринг ҳаққи.  
Одамзодга ҳамроҳлигинг, ёрлигинг,  
Ҳаракатда, дов, сурон умринг ҳаққи.  
Ўтинаман, ўзинг асра, мадад бер,  
Кўкда ёлғиз фарзандимни қўллагил,  
Сен кўмак бер, муруватли Она-Ер,  
Эсон-омон қучоғимга йўллагил!»

### БИРИНЧИ ТОНГ

Самода бунча тез ўтаркан фурсат,  
Йигирма тўрт соат ичра ажиб ҳол:  
Ун етти тонгдан у бўлди баҳраманд,  
Ерда бу ҳолатга ишонмоқ маҳол.  
Ўйқу ҳам жойида, тамадди ҳам саз:  
Ер ҳиди гупиллаб, димоқни ёрар.  
Мўътадил суратда бормоқда парвоз,  
У совет халқига табрик юборар:

«Ассалом, меҳнаткаш, жонажон Ватан,  
Қизғин салом бўлсин сенга Акбардан!»

\* \* \*

Учмоқда у шамолларга қасдма-қасд,  
Соҳибчангал бургутлар ҳам учолмас,  
Булут етмас юксакликлар бўлиб паст,  
Қолаверди, қолаверди бу нафас!

Вақтни фарқлаб турган параллеллар ҳам,  
Гиёҳ битмас, заранг дашти Қарбало,



Ой нурида тиниқлашган кўллар ҳам  
Қолаверди, қолаверди бу асно!

Тун била тонг деб аталмиш фурсатлар  
Тутқич бермай ўтаётир галма-гал.  
Ақл измин тутган инжиқ мурватлар  
Юрак каби сергак ишлар бу маҳал.

Пастда эса: Чукотками, Қаркими,  
Ё чароғон Москвами порлаган?  
Тошкентми бу — ҳаётининг кўркими,  
Қай нуқта бу хаёлини чорлаган?

Кабинани тўлдирар Ер овози,  
Бир фаровон, ажиб манзил ёришар:  
«Мен — Заминман!  
Қандай ўтар парвозинг» —  
Нур ва хаёл муסיқага қоришар.

«Мен — Акбарман!  
Парвозим соз, жойида!» —  
Сўнг янграйди «Москва оқшомлари».  
Улуғ шаҳар беқисс чнройида  
Кўринади истиқбол айёмлари.

\* \* \*

Тангадай нур тушмас қалин ўрмонлар,  
ГЭСларга куч берган не-не дарёлар,  
Чўл ўрнида кўзни олган бўстонлар  
Шамолида тўлқинланган наволар

Осмон ичра шуъла янглиғ таралар...  
Гўё Ерни айланмоқда қўшпқ ҳам.  
Кўз ўнгида таниш тасвир яралар,  
«Тошкент» сўзи бўлар Акбарга ҳамдам:

Боғларида гул очилар бу нафас:  
Гулга кирар шоналаган ғўзалар.  
Дуторларда созланмоқда майин сас,  
Суви яхдай ётар сопол кўзалар.

Тоғ бошида қанотланар учқур сув,  
Сина-сина марваридга айланар,  
Қарай-қарай дилига тушиб ғулув,  
Унга қуёш нигоҳлари бойланар.

Қурилишда иш қизийди бетиним,  
Ёшлик меҳри, шавқи билан метрога  
Илк пойдевор қўймоқдадир унда ким,  
Бунда кема ўрлаб борар самога!

\* \* \*

Оҳиста оқшом ҳам ёйилиб борар,  
Юлдузлар ёнмоқда навбатма-навбат.  
Тун қуши оҳиста силкитганда пар —  
Дона-дона қиров тушар беадад.

Гарчи «Ахборот»да, ҳатто «Вақт»да ҳам  
Ўғли дийдорини кўрди у такрор,  
Ҳовлига йўл олди. Бепоён олам  
Асли қадимгидай сокин, беғубор.

Нафас олар дупё мулойим, дилкаш,  
Уйда ўйин-кулги, ифтихор тўла  
Яна аллақандай ҳузур аралаш  
Бир давра болалар гапга гап улар.

Улар умрин тилаб, ёш олар кўзга,  
Она тўнғич ўғлин — Акбарин ўйлар;  
«Булар бир бошқача, тўнғичим ўзга,  
У юрса тўларди бу кўча-кўйлар».

Қулоқлари бирдан зинғиллаб кетар,  
Тиниб кетар она кўзлари шунда.  
Гўё оқшом она қўлидан тутар  
Ва сирли эртагин тинглашга ундар.

1

— Эсингдами, она, сен чақалоғинг  
Оқшомлар бешикка белаяган эдинг.  
Тонггача ўчмасди уйинг чироғи,  
Не орзу-тилаклар тилаган эдинг!

1

Қадим эртаклардан кишнаб келарди  
Чақмоқ қадам дулдул қанотин ёйиб.  
Ой юзли санамлар яшнаб келарди...  
Эрам боғларининг муқим чиройи.

Осмоннинг беғубор кумуш кулгуси,  
Олтин мева туккан сеҳрли ниҳол,  
Боғу боғчаларнинг ранг-баранг туси,  
Сайратма орзулар, баҳору иқбол —

Пайваста, куй бўлиб эшилар эди,  
Бешикнинг мўъжиза қўнғироқларин —  
Жингир-жингири ҳам қўшилар эди,  
Сен алла айтганда оқшом чоғлари!..

Яхши оиланинг жонкаш, жонфидо,  
Кўрса кўз севгудай ёлғизи эдинг.  
Хуснда беназир этганди худо:  
Хушрўйгина, дуркун, шўх бир қиз эдинг.

Бир орқа сочларинг майдалаб ўриб,  
Боғларда юардинг сарви хиромон.

Мовий самоларнинг софлигин кўриб,  
Дилда ёнди севги аталган туғён.

Тўй. Турмуш. Фарзандлар сўнг бирин-кетин,  
«Болалик уй бозор» деганича бор:  
Болам деб, чақам деб ҳеч олмадинг тин,  
Ғийбат бегонаю меҳнат бўлди ёр!

Тош келса кемириб, сувни симириб,  
Қошу қовоқ қилмай яшамоқ бахти  
Рўзғорингга файзу барака бериб,  
Шодликлардан сенга гулчамбар тақди!

Рўзғор ташвишлари билан овора,  
Усмаю сурмага тегмади қўлинг.  
Гоҳ роҳат, гоҳ азоб боғлари ора —  
Олиб ўтди сени ҳаётнинг йўли!

Бахтиёр ишқ билан оқарди сочинг,  
Гўдақларинг ўсди алўл-булўлдай.  
Қизларинг гул мисли, ўғиллар — лочин,  
Ҳаёт деб аталган мунтазам йўлда!

\* \* \*

Кўкда, юксакликлар, бўшлиқлар аро  
Овоздан тез суръат, шаҳду шиддатда  
Ёрни айланмоқда нечанчи бора  
Кема белгиланган аниқ муддатда.

Қабинани тўлдирар Ер овози:  
«Мен — Заминман!  
Қандай ўтар парвозинг?»  
«Мен — Акбарман!  
Тинчман! Бари жойида!  
Тинч океан мавж урмоқда қуйида»



## АКБАРНИНГ ТУШИ

Олтин бешикмиш осмон,  
Юлдузлари — қўнгироқ,  
Ухлар эмиш Акбаржон,  
Камалак эмиш қўлбоғ.

«Хулкар» эса қўзтумор —  
Эмиш унинг бошида.  
Алла айтармиш бедор,  
Онажони қошида:

«Дупур-дупур от келади, алла-ё!  
Чиқиб қаранг, ким келади, алла-ё!  
Тулпори кишнаб келади, келади,  
Қамчини ташлаб келади, келади,  
Акбаржон ўғлим келади, алла-ё!»

. . . . .

Акбар: «Бу не алла?» — дер,  
Орзиқиб кетар қўнгли:  
Маст уйқуда она-Ер  
Қўринар йироқ, мунгли!

«Шунча-шунча йил ўтиб,  
Бу куй кетганди йитиб,  
Гўдаклигим уйғотиб,  
Осмонни нурдай титиб,

Булутларнинг ортида  
Етиб келди бу алла!  
Сукунат қанотида  
Етиб келди бу алла!

Ернинг гўзал сўзисан,  
Йўлдош бўл бешикларга!  
Сен ҳаётнинг ўзисан,  
Насиб қил эшикларга!

Ўзга — бахтни ҳис қилмоқ,  
Қўрмоқ бошқа-бошқадир.  
Ер бешигимдир, бироқ  
Осмон ишқи бошдадир!»

### ЮЛДУЗЛАР СЎЗЛАЙДИ

Тун қора тортади. Беҳисоб юлдуз —  
Қамраб кела бошлар дераза кўзин.  
Соғинч, интизорлик отади илдиз,  
Она тинглар эди юлдузлар сўзин:

«Одам эдик бизлар бир замон,  
Қўкка тушди ўтли ишқимиз.  
Осмонни деб фидо қилдик жон,  
Нур сочмоқлик бўлди ишимиз.  
Заминдаги қизғин юраклар  
Алангаси манбадир бизга.  
Қўнгилдаги тоза тилаклар  
Айлангуси бир кун юлдузга!  
Сен ҳам азиз умрингда, Она,  
Яратибсан орзули юлдуз.  
У юлдузинг, айтиб шукрона,  
Порлаётир бу кеча-кундуз!  
Одам эдик бизлар бир замон,  
Қўкка тушди ўтли ишқимиз.  
Осмонни деб фидо қилдик жон,  
Нур сочмоқлик бўлди ишимиз!»

### ОНАНИНГ ТУШИ

Баъзида ўз кўнглинг ўзинггадир ёв...  
Етти хуфтонгача келмай уйқуси,  
Онани беором этди юз ўйлов,  
Минг хил машаққатда илинди кўзи

...Тубсиз жарликлардан ўрлаб зулумот,  
Тутиб борар эмиш Ерни бутуилай.

Шаҳарлар, бинолар, нафис мавжудот —  
Баногоҳ йўқолиб қолмиш, тутундай —  
Сочини ёзиб келар жолуғар шамол.  
Юлдузлар тут каби тўкилиб кетар.  
Бу не кўргилликдир, бу қандайини ҳол,  
Наҳотки, ҳаётини ўлим маҳв этар?!

Яшил тепаликка бир қузғун қўнди,  
Панжаси теккан ер ёна бошлади.  
Осмон кўзларидан ёмғирмас, энди  
Қул аралаш қурум тома бошлади.

Қани эй, ер-кўкни юантирар куч,  
Эй, голиб одамзод, қайдасан бу он?  
Бу машъум қисматга нечун келди дуч  
Гўзал ер, очик кўк, жонажон макон?

Ажабо, инсон-чи, кўринмас ҳатто,  
Фақат кўринади ранги сомон ер...  
Уйғонар.

Қудратли, бепоён дунё —  
Тирик!

Юз-кўзидан ёғилганча тер:  
«Нафасингга шамол» — дер у ўзига,  
Кўзига ўт бўлиб кўринар олам!  
Қуёш ўз йўлида, ҳаёт — изида,  
Вақт ўтиб боради билмасдан тўхтаб.

Умри бинно бўлиб даҳшат ва қўрқув,  
Ваҳима босмаган уни бу қадар.  
Юраги куюди: «Сув! Бир қултум сув!»  
Туш эканин билиб кўнгли ёришар.

## ОСМОНУ ФАЛАҚДА

Ерши Она деган қанчалар ҳақдир!..  
Қанчалар улуғвор Ер салобати!  
Иисонга ёр бўлган ажойиб тақдир:  
Меҳнатдан келгучи бахт-саодати.  
«Эй, кўҳна Заминим,— ўйлар Акбаржон,—  
Менга журъат, ишонч, умид берган сен.  
Руҳим тозалиги ва соғлом имон,  
Дилимда меҳрдан жавлон урган сен!  
Янгроқ коммунистик эътиқод билан  
Қалбим нафас олар, она маконим,  
Учдим афсонавий дулдул от билан,  
Мақсадим йўлида бахшида жоним!»

\* \* \*

Қуйида кўрнар ҳув, Бойсун тоғи,  
Арчазор четида «Тешиктош»<sup>1</sup> ғори!  
Бир-бир варақлар тарих варағи,  
Гулсиз ва гиёҳсиз олам баҳори.

Хўрақдан ўзгаси келмай ақлига,  
Олий туйғулардан бегона мутлоқ.  
Қундуз билан туннинг бормай фарқига,  
Одам кун кечирган бу ғорда қай чоқ?

Қавму қариндош не, элу юрт нима,  
Ҳамният нимадир, нимадир шафқат,  
Тамоман беҳабар: ёлғиз ваҳима —  
Ҳукмида одамзод кун кўрган қай вақт?

Хусну латофат не, нимадир кўзгу,  
Кўзлар сеҳри нима, ҳис қилмай асло,

---

<sup>1</sup> Сурхондарё области Зовтолош дарасидаги қадимий ғор, унда неандерталь одамлар кун кечирган.

Таъбирсиз тушлару бесоат уйқу,  
Бу ғорда бнқинган қоронғи дунё!

Қамишни илк бора сайратган қай зот,  
Қимдир у илк дафъа ёққан жинчироқ?  
Қай кун «она» сўзин англади ҳаёт,  
Қай лаҳза яралди қайғу ва фироқ?

Тўрғай навосида парвоз нашъаси,  
Кенгликлар сурури бор эканлигин,  
Баҳорни қутлаган тоғлар чашмаси -  
Қуйида ёз умри бор эканлигин —

Дастлаб илғай олган қай зариф дилдир,  
Дутор пардасига олиб кирган ким?  
Осмон чироқларин фарқлаб бирма-бир,  
«Юлдуз» деб номлаган қайси мунажжим?

Онгенз муҳитини тарк этиб мангу,  
Яшаш ништиёқин англагач инсон,  
Унинг кўз ўнгида қадрдон, эзгу  
Чирой билан ёнди бу ёруғ жаҳон!

Гўдаги тамшаниб жилмайса, ниошиб  
«Кулгу» деган сўзин яратгани дам  
Сокни турмушига завқлар туташиб,  
Ўзлигин яратган эмасми одам?

Яратган! Осмоннинг бепоёнлигин,  
Дарё билан тоғнинг умрдошлигин,  
Чўлларининг сароби зулми жолигин,  
Бутун табнатга ўзп бошлигин —  
Яратган!

Булутлар қатламни бузиб,  
Реактив самолёт гуриллар экан,

Кумуш балиқлардай ھاвода сузиб  
Учган кемаларнинг шоһи кимга тан?

Илк модель ясаркан Циолковский —  
Хаёлида кезган елдириш «ТУ»лар.  
У билган: забт этса инсон космосни,  
Ризқу рўз бўлар ва буюклик бўлар.

Шундай! Олампарвар қуёшга ҳамроҳ,  
Заминга чин ўғил инсон яшайди.  
Бугун у космосга қурар экан роҳ,  
Бу ишида қанча инсон яшайди!

\* \* \*

Кабинани тўлдирар Ер овози:  
«Мен — Заминман!  
Қандай борар парвозинг?»  
«Мен — Акбарман!  
Тинчман! Бари жойида!  
Зарафшон мавж уриб ётар қуйида»

\* \* \*

Илк йўлдош учганда Акбарбек ўғлон  
Мурти сабза урган ўспирин эди.  
У излаган туйғу, орзу-ҳаяжон  
Уфқлар бағрида яширин эди.

Қўнглини олганди само ҳур қиздай  
Қуёш, ой васлини ўртага қўйиб,  
Осмои деса жони кўринмас қўзга,  
Юрар уни Акбар севгига йўйиб.

Гилослар қизариб, ўрик сарғайиб,  
Тутлар майиз бўлар паллалар эди.

Қабутар-самолёт қанотли ёйиб  
Гўёки Заминни аллалар эди.

Унинг нигоҳини тиндирар эди  
Наинки самолёт, қалдирғочлар ҳам.  
Қалбида иштнёқ ёндирар эди  
Ҳаракат, кашфиёт, тўла бу олам!

Ўўқлама, саволу жавоб, баҳслар,  
Мақтаб остонаси орқада қолди.  
Самода гувиллаб таралган саслар  
Унинг қулоғига ўрнашиб олди.

Чорларди қор бўлиб чарх урган само,  
Ёмғир бўлиб қўшиқ куйлаган чаман!  
Юлдуз, Сомон йўли, мунаввар Зухро,  
Акбарга афсона сўйлаган Ватан!

Осмон буюклигини бонси нима,  
Не учун юлдузлар ёнар абадий?  
Ерда мангуликнинг илдизи нима?  
Нечун кун нисонининг улуғ маъбади?

Не сабаб ҳаёт йўқ гўзал ойда ҳам?  
«Етти қароқчи»нинг сатҳида не бор?  
Унинг ўйларига эрк бермас бир дам  
Шуъладан, юлдуздан яралган диёр.

Гарчи гап кўп эди ҳали заминда,  
Ушш катта ишлар кутарди тоғ-тоғ.  
Акбарни самога чорлаган чиндан  
Фазогирлик десак бўлар тўғрироқ.

Тоғлар қуршовида ястанган қишлоқ  
Хушбўй ҳавосида ўсди Акбаржон.  
Осмонга дарз солиб чақнаса чақмоқ,  
Қояларнинг учин шуълаланган он,

**Камалак туташган тоғ этагига  
Етаман дерди-ю, чопарди бола.  
Уту ўланларнинг товланмагига —  
Тикилиб юз сифат топарди бола.**

**Одам боқса, юрак орқага тортиб,  
Қўз тингувчи тикка жарлик бошида  
Соатлаб термулиб, хаёлга ботиб  
Қолар эди Акбар ўсмир ёшида.  
Эсида: неча бор полапон қушдай  
Қанот пайдо қилиб учарди гўё,  
Булутлар пойида қоларди тушдай,  
Юлдузларнинг нини тутарди гўё!**

**Қоядан-қояга ўтиб гоҳида  
Акбар юрар эди олқордай эпчил.  
Баланд дарахтларнинг тепа شوҳида  
Читтакдай ўлтирар эди-да сизил.**

**Ёввойи каптарлар ортидан қувиб,  
Зим-зиё, зах ғорга кирарди дангал.  
Ёғоч кўприк қолиб, уст-боши ивиб,  
Қорасувни кечиб ўтарди ҳар гал.**

**Уни таажжубга соларди осмон  
Қундузи, оқшоми, тунларни билан.  
Сеҳргарга ўхшар эди ер чунон  
Гулшани, офтоби, купларни билан!**

**Уни қониқтирмас энди эртақлар,  
«Ешидан олдинлаб кетди»,— дер она.  
Она юрагида зилол тилақлар  
Аста бўй кўрсатиб берар нишона.**

**Шундай қилиб содда, қишлоқлик ўғлон  
Учиш машқлари-ла бўлди овора.**



Унинг гайратидан, ишидан бу он  
Хушхабар кутарди Она- сайёра.

### МАКТУБ

«Онажоним, бормисиз омон  
Гуркираган боғлар қўйнида?  
Мушқулинигиз этарми осон,  
Укаларим, ортиб ўйиндан?»

Мен йўқлигим билинмадими,  
Бугдойзорга тушганда ўроқ?  
Қўзингизга ёш инмадими?  
Қилиндингиз томлар лой сувоқ?  
Мен хотиржам. Уқишлар тиғиз.  
Кун-кун ора машқу машғулот.  
Ракеталар нақ кумуш бигиз,  
Ростлаб турар парвозга қанот.  
«Хув» деганда овоз йитгувчи  
Қозоғистон чўлларндамиз.  
Соғинчини хатга битгувчи —  
Акбарнигиз, меҳри дийдангиз!»

Сутдай тошиб кетди бардоши,  
Кўзга суртиб хатни интизор —  
Она андак қилиб кўз ёши,  
Кўнгли таскин топди-ю,  
Виқор,  
Қалбда ғурур, қониқиш билан  
Эртасини чамалар аён.  
Кенг ҳовлида юз хил иш билан  
Вақт ўтганин билмас ушоқ жон:  
«Нашвати ҳам берди нишона,  
Шафтолилар тирговучга зор.  
Акбаргинам келса, — дер она, —  
Бўлиб қолар уйимиз бозор.  
Акбаргинам келса, ўргилай,  
Ўзи этар рўзгорни обод.

Йиғиб-териб бир тўйлар қилай,  
Бобоснинг руҳи этиб шод.  
Хўп жаннати эдилар бобо,  
Тинч ухласин руҳи табаррук».  
...Келин бўлиб тушганди Зебо  
Холбобога арзанда, суюк.  
Ким билади, бу қанчалик рост,  
Эшитганди келин бир замон:  
Фалакнёт илмига ихлос  
Қўйган экан бобо, билмдод.  
Достонхонлик бўларди гоҳо.  
Тонг отдирар эди кексалар.  
Айтишарди: «Қошки, Холбобо,—  
Икки оғиз суҳан десалар.  
Хоҳласангиз — нақлу ривоят,  
Майли озроқ — пами ҳикматдан  
Юлдузлардан сўйланг ниҳоят,  
Сиздан ўтар ким бор суҳбатда?»  
Юқорию Қуйн чинорда  
Топган эди бобо эътибор.  
Тоққа чиқиб ҳар йил баҳорда  
Йиғар эди кўкат, дорнвор.  
(Табибликдан хабардор эди.)  
Баҳс ҳам бўлган чой баҳонада:  
Кимдир деди: «Унинг авлоди  
Мирзо бўлган расадхонада»  
Туғилганда тўнғич набира  
Еру кўкка сизмай Холбобо:  
«Номин бўлсин мендан хотира —  
Саъди Акбар!» — деди пурмаъно.  
«Кўзи пишсин, эл танисин» — деб  
Тўй борми ё борми бир йиғин,  
Неварасин қўлидан тутиб,—  
«Қани, юргил, Акбаржон ўғлим!» —  
Борар эди.  
Самарқанд эса

Холбобога бир қадам эди,  
Бобо шаҳар борадан деса,  
Қелнига катга ғам эди:  
Шаҳар тушса печундир жиндий,  
Уйчан бўлиб қайтарди Акбар.  
Кўпроқ кўкка термилар эди:  
«Қайси Қавкаб, Акбару Ахтар?»<sup>1</sup>

### СОҒИНЧ

Акбар Ерни жуда соғинди  
Нондай, сувдай, тоза ҳаводай.  
Нур тўзонни, ғуборни инди  
Қош-кўзига чексиз фазода.

Нор туядай тиз чўккан тоғлар,  
Қилич дамми тоғ қоялари.  
Милдираган кўкиш чироқлар.  
Теракларнинг тик соялари.

Соғинтирди Акбарни беҳад.  
Оҳ, Ер ҳиди урар димоққа!  
Хаёллари туташар бу пайт  
Иқлими хуш она қишлоққа:

Ана, олма ҳидлари тутган  
Раста-раста бозорларимни?  
Асалари зувллаб ётган  
Шарбат тўла токзорларимни?

Сувсаб келган пода ўтганда,  
Лойқаланиб қолган соғимни ул!

---

<sup>1</sup> Саъди Қавкаб — қутлуғ юлдуз, саъди Ахтар — бахт юлдузи, саъди Акбар эса бахт, толега илсбат берилувчи Юпатар (Муштарий) планетаси.

Қўқда юлдуз қайнаб кетгапда  
Сигмай, сувга тушган ойми ул?

Қун чиқмасдан, кўтарилмай нам,  
Тоғ-саҳарда терилган анжир  
Кўзларига кўринар бу дам —  
Етти иқлим боғининг гаижи.  
«Қовунлар ғарқ пишгандир балки?» —  
Гўдаклигин эслайди Акбар:  
(Ширинга ўч бу бола халқи!)  
Сутдай кеча. Элу юрт ухлар.

Икки жўра паналаб юриб,  
«Уғир»ликка тушди полизга.  
Занжирдаги ит қолди ҳуриб!  
Қовунлар ҳам кўринмай кўзга,

Қочишди-я ўнг-терсга боқмай,  
«Дод»ларидан уйғонди қишлоқ.  
Отасига бу иши ёқмай,  
Акбар еди уч-тўрт шапалоқ.

Озларини силамоқ бўлар,  
Тарсакини ҳис этар гўё.  
Тийран кўзлар мириқиб кулар:  
«Қани, Ерда бўлсам шу асно!»

Кўзларига бир завқ қуйилар,  
Гасвирга бой иллюминатор.  
Кўринади қуйи-қуйилар,  
Замин, кўкат, боғ-роғ, қир-адир.

Ҳар ғиштида бир тарих — Брест  
Жароҳати битмаган ҳамон.  
Ура бошлар юраги тез-тез,  
Икки хитоб тинглар Акбаржон:

## БИРИНЧИ ХИТОБ

«Аҳду паймонларим дилмда қолди,  
Қора совуқ урган ғунчадай ногоҳ  
Солдатлик умримни қора ер олди  
Ун саккиз ёшимда... У қиз-чи, эвоҳ,

Узгага ёр бўлди... Мен бунда қолдим.  
Мендан қолган зурёд — мардликдир оти.  
Мангу уйқу бўлди менинг иқболим,  
Юлдузга айлашиб қолди ҳаётим!

Йигитга она ҳам, маҳбуб ҳам **Ватан**,  
Ватандир муҳаббат, вафонинг бошн.  
Сенга оқ йўл тилар Комилов Ҳасан,  
Юрт деб шаҳнд кетган бир ватандошинг!»

## ИККИНЧИ ХИТОБ

«Сочимга оқ тушди,— янграйди овоз,—  
Фарзандлар ҳузурин кўрай дегандим,  
Эл тинчи бузилди. Авжи олтин ёз —  
Фронтга жўнади беш гул фарзандим.  
Улар тоғни урса қиларди талқон,  
Одамжон, меҳнаткаш йигитлар эди.  
Бир-икки хат келди. Сўнг бевом нишон,  
Дом-даракенз кетди... Пороҳининг ҳиди —  
Олис бўлса ҳамки, сил қилди мени;  
Наҳот, ўққа учди сор лочинларим?  
Уларнинг соғинчи кул қилди мени  
Соғинч ўртайверди кун ўтган сари.  
Қарн бошим билан майдонга кирдим,  
Ё тавба, ўзимни сездим Алпомиш!  
Эшг қаттол жапгларга ўзимни урдим,  
Соғ қолдим, ё тавба! Тўхта, сесмурғ қуш!  
Сени жиловлаган инсон авлоди,  
Унинг ҳаққи икки қўлим дуода.

Учавер, толмасни пўлат қапотниг,  
Акбарга салом де, Норқул бободаи!»

Батаи шарафи деб ўғил ўстирган  
Оталар, юракдан таҳсин сизларга!  
Фроит деб, ризқининг ярмини берган,  
Ўзи киймаса ҳам қора кўзларга —  
Молад, кўмак дея кийим бош берган,  
Йиртиқ-ямоқ билан кунни ўтганлар,  
Қор-ёмғир аралаш бир чигит терган,  
Беминат, пахтасин элга тутганлар.

Осмону фалакда учаётган кун —  
Улуғ меҳнатингиз самараси бу!  
Эртак оламида порлаган турмуш,  
Кема айланаркан, Ер ўқи бўйлаб —  
Минг йиллаб дилларда сўнмаган орзу!  
Айланиб югандай икки хитоб ҳам  
Армондан, иқболдан, ҳаётдан сўйлаб!  
Жон қулоғи билан тинглайдн олам!

Тинглар кунпа-якун Сонгми қишлоғи,  
Тинглар кунпа-якун Сонгми қишлоғи,  
Ернинг дардларнию бахти, фироғи —  
Эслатиб, эслатиб ишсон учмоқда!

Кема айланаркан, Ер ўқи бўйлаб  
Айланиб югандай Иқилоб шони —  
Рус, ўзбек, гуржиннинг бахтидан сўйлаб,  
Хайрат, таажжубга солиб дунёни!

Айланиб югандай ленинча идрок —  
Социал оламнинг соғлом ҳавоси!  
Зулматлар бағрини этмоқда чок-чок,  
Ўзбекистон ўғли — Акбар парвози!

Қоронғуда равшан нуқтадай  
Кўришади Замни бу лаҳза.  
Соғинчига бўлиб пайдар-пай  
Юрагига тушади ларза.

Ватан — дилнинг сурури бўлган...  
Соғинмасдан бўларми уни?  
Навойни олди у қўлга  
Парвозининг учинчи куни.

Замни — дилнинг сурури бўлган...  
Аммо бугун кўнгли банд-банди ---  
Фазолашинг ишқи-ла тўлган,  
Уни шу ишқ асир этганди!  
«Деди: недур сенга оламда пеша?  
Деди: ишқ ичра мажнунлик ҳамеша!  
Дедиким: ишқига кўнглинг ўрундур?  
Деди: кўнглимда жондек ёшурундур...»

Чарақлаган кимёгар шаҳар  
Хув, Навоий порлаб ётади.  
Фарзандига тилаб шон-зафар,  
Туироқ узра оқ тонг отади...

\* \* \*

«Хайрли кеч!  
Ер чақирини  
Сукунатда акс-садо берар.  
Ой тарк этиб булут-қайиғни  
Кабинага чарақлаб кирар...»

Ой деганда, оғзи бор эмиш,  
Кун деганда, кўзи бор эмиш,

**Йўқ, ой эмас, кун ҳам эмас, йўқ!**  
Кулиб турган бир дилдор эмиш!

Фариштадай чиқариб қанот,  
Қиз учармиш, у қувар эмиш,  
Ҳолдан тойиб Акбар минган от —  
Мункиганда, қиз кулар эмиш:  
Ва йигитнинг иссиқ қафтига  
Юлдуз бўлиб қўнармийш кулгу,  
Бир оташки, жизғин, тафтига  
Тоб беролмай кўзин очар у!

Қарасаки, мисоли укпар  
Учиб юрар сурат сар-сарн,  
Унда бир қиз жилмайиб турар,  
Жилмайганча қочарди нари.  
Тутаман деб қизни, Акбаржон  
Қреслодан турди-да, бехос  
Тебрандию, вазнсиз ҳар ён,  
Сузиб кетди гўёки ғаввос!

Суратдаги сулув қиз ҳамон  
Тутқич бермас: «Ер эмас бу» — дер.  
Ёлборади унга Акбаржон:  
«Акангизга нима қасд бу? — дер —

Дил боғимдан гул термаган қиз,  
Осмолда қам куйдирманг бизни!  
Севганига сир бермаган қиз,  
Кўрарманми ой юзингизни?..»

Сукунатнинг зич деворлари  
Нураб тушар, келади овоз:  
«Мен — Ер!  
Қема ириборлари



Қандай ишлар? Қай ҳолда парвоз?»

. . . . .

### ЗАМИННИНГ ТУШИ

Бу не ҳол — ўғлидан бўлмади жавоб  
Наҳот, омонатга бўлса хиёнат?  
Замин туш кўрганча бўларди хуноб,  
Илтижо қиларди Замин бетоқат:

Бир минут сукунат. Бир минут сукут,  
Бир нафас, бир нафас куйлама, аёл.  
Сен борлиқ жамолни тўсмагил булут,  
Гул, очилар бўлсанг, бардош топа қол!

Тўғонда қатимдай ростланган дарё,  
Шовуллама, урма қирғоқларга бош.  
Ҳаракат, меҳнат-ла тирик эй, дунё,  
Бир лаҳза сукутга топсанг-чи бардош!

Вулқон каби ерда портламоққа шай  
Изтироб, ҳаяжон кўзлардаги ёш —  
Бир дам ғалаёнинг тур-чи билдирмай,  
Бир лаҳза сукутга топсанг-чи бардош!

Қизил Майдон. Чўккан оғир сукунат.  
Ёрқин шуълаланиб Мангу ўт ёнар.  
Саф-саф қўшип борар — енгилмас қудрат,  
Сербар тўлқини каби сафлар тўлғанар.

Орак изҳорини, дилда борини  
Сўзсиз, қўрғошиндай жимлик сўзлайди.  
Фахрдан, армондан кўзлар оғриниб,  
Ногоҳ бир каромат кўкдан излайди.

Кеча кўчасини тўлдириб юрган,  
Барваста қарагай каби бир ўглоп,  
Само даштларига жадал от сурган  
Мардянк, қаҳрамонлик, севинч ва армон —

Юлдуз каби олис, эртакдай йироқ,  
Қўл етмас орзудир наҳот бу лаҳза?  
Ернинг юрагига тушади титроқ,  
Чидаб бўлмас ҳолга солади аза.

Музлаб-музлаб қолай деганида Ер.  
Мангу Олов уни исhtar яна.  
Тилга кириб, қани жигаргўшам, дер.  
Гунг қилар сукунат номли таитана.

Бошдан-оёқ қора кийинган аёл  
Қизарган кўзларини қадайдн кўкка.  
Нечун сен хаёлчан, сен паршон ҳол,  
Не учун тунроққа тушибсан чўкка?

Аёл кўзларида аччиқ ёш қалқир,  
Ўйиб-ўйиб борар ерни бунчалар?  
Баҳор келганида бу ерда балки  
Очилар энг нафис, тоза гунчалар!

Замин!  
Сен Зояни эсладингми ё?  
Е жасур Матросов тушдингми ёдга?  
Уларнинг ёш умрин тарихга энё,  
Номлари ҳусндир бугун ҳаётга!

Ирода, эътиқод, мардлик ўзи не —  
Замонга кўрсатди панфиловчилар.  
Муҳаббат, садоқат, Ватан сўзи не —  
Жаҳонга кўрсатди панфиловчилар:

«Россия — бепоен. Ва лекни, дўстлар,  
Чекнимоққа эса бир қадам ер йўқ!»

Ғалабаин кимлар кутди-ю мустар,  
Кимни сўнг лаҳзада ер тишлатди ўқ...

Ана, биродарлар қабристониди  
Ким у, қай шаҳиднинг опаси, эвоҳ!  
У қайғу-аламнинг ғалаёнида  
Мармар лавҳаларга ташлайди нигоҳ.

Ернинг ўзига ҳам ўхшаб кетар у:  
Манглайида сонсиз-саноқсиз ажин.  
Бардоши ўхшайди, дардида ёғду —  
Алангаси борга ўхшайди, Замин!

Ажаб, Гагариннинг волндасми?  
Еки Комаровга алла айтган зот?..  
Эсгил, эй жонфизо саҳар насими,  
Ерни босриқдан айлагил озод!

Ернинг пешонасин ўпди-ю офтоб,  
Заминнинг эс-ҳуши келди жойига.  
Согинч туйғусидан бўлиб жингиртоб  
Булбул мадҳ ўқирди гул чиройига.

«Нафасингга шамол» — дер у ўзига,  
Ғолиб табиати кўринар ўктам.  
Қуёш ўз йўлида, ҳаёт — изида,  
Вақт ўтиб боради оҳудай илдам!

Умри бино бўлиб даҳшат ва қўрқув,  
Ваҳима босмаган уни бу қадар.

Юраги куяди: «Сув! Бир уммон сув!»  
Туш экацин билиб кўнгли ёришар!

«Шукур, фарзандларим ўтлн-шудлидир,  
Бари меҳнатга ёр, иш деса — қочмас.  
Кўнгли кенг, очиқ қўл, қалби — бегидир,  
Шунданки, ҳаётим беҳуда кечмас!»

Замин! Одам билан тириксан сен ҳам,  
Мавжудлигинг унга боғлиқ бир умр.  
Эй икки ажралмас, вафодор ҳамдам —  
Меҳнат фарзандлари, сенга ташаккур!

Хаёл! Бунча учқур, чексиз, бетизгин,  
Тошганда дарё у, тинганда — ирмоқ,  
Гоҳ муздир, гоҳида оловдай қизгин,  
Баъзан хира ёгду, баъзан у порлоқ!

Нечун сукунатнинг бағридан юлиб,  
Бўрон гирдобига отасан Ерни?  
Тўплаз гумбурлайди тугёнга келиб,  
Кўзни қамаштирар кучдаги нурни

Аранг енгиб, Замин атрофга боқди,  
Қафтида турарди Она ва Уғлон.  
Учрашув! Нақадар кўнглига ёқди!  
Тирбанд бўлган эди Марказий Майдон!

Шунча кутганлари кетмабди бекор:  
Фарзанди ой бориб, қайтибди омон.  
Бундай жасоратни қутламоқ даркор!  
Ўғлинг манглайидан ўпгил эй, жаҳон!

## ҚАЙТИШ

Осмон шудринг тўқарди,  
Гуллар ғунча тугарди,  
Чўққиларда бургутлар  
Қанотларин букарди.

Гуллар ўтиб қўлма-қўл,  
Сочилдилар йўлма-йўл,  
Фазогирнинг бошидан  
Сочқи бўлиб мўлу қўл!

Яшнаб ётган бекатлар,  
Нурга ботган кўкатлар  
Илнжида соппа-соф  
Қайтибди Саъди Акбар!

Ёру йўлдоши кутар,  
Насиба-оши кутар,  
Она-Ерда умидвор  
Навқирон ёши кутар!

Дилхуш-дилкаш суҳбатлар,  
Ғойибона ҳурматлар,  
Энди унга бир қадам  
Гултож, олқиш, шуҳратлар!

## ДИЙДОРЛАШУВ

Пояндоз бўлибди алвон гиламлар:  
Шафақранг булутдай майин ва юмшоқ.  
Завқига тор келар буюк кўламлар,  
У қадам босади туйғуси порлоқ!

Юзи ёруғ она-Ватан олдида,  
Зяммадаги бурчин айлади адо.  
«Союз» деб аталган кема бортидан  
Қандай сирли, гўзал кўринган дуйё!

Гул бўлиб келибди бу ерга Замин,  
Меҳр бўлиб келмиш кўзларда Осмон.  
Эшитгани унинг шаҳдам қадамин  
Ишонч бўлиб келмиш бу ерга уммон.

«Онажон, жонгинам, қучоғингни оч,  
Феъли кенглигингдан ўргансин само.  
Сенинг меҳринг учун кийдирсинлар тож,  
Мурувватп, умри тугамас маъво!

Ассалом, эй, Замин — ота маконим,  
Уч кунда бунчалар кўҳлик бўлдинг сен!  
Қайлардан топилди ахир имкони:  
Гулу гулдастага, нурга тўлдинг сен!

Азалдан-ку ўзинг осмонга сингил,  
Қуёшнинг севгани, оромжони,  
Сен ижод саҳнасн, эй, оташ кўнги,  
Сен яшаш тарзининг қулай, равони!

Ассалом, Опа-Ер, соғинчинг учун,  
Севинчинг учун ҳам минг бора қуллуқ!  
Ернинг тортиш кучи бўлмаса, бугун —  
Қайта олармидим, севгисн улуг!»

Уч умр, уч ҳаёт, уч қалб бақамти —  
Замин, Она, Акбар — қон-қардош вужуд,  
Тирик жон, ниятлар холис ва танти...  
Ер ёшига Вақт ҳам бўлолмас ҳудуд...

Юлдузлар шуъласи куч берди унга,  
Ҳар бири бир ўлмас зурёд атади.  
Битмас ҳасратлари, аламли мунгга  
Ҳамон парво қилмай мағрур кетади —

Қуёш теграсида, адашмай йўлдаи,  
Демакки, яшнамоқ муҳити аён,  
Демакки, тириклик ҳуқуқи қўлда,  
Демакки, чексиздир Ер учун имкон.

Чексиздир имкони Акбарбекнинг ҳам  
Туйғун идрок пла, меҳр ила рости.  
Улуғвор ва лекин шисонга қарам,  
Муте қун кечирар Ер! Ипсон дасти —

Билан тирикка муяссар тунроқ,  
Гул очиб, куч йиғмоқ бахтига восил.  
Йўқса, қолар эди абадий қурғоқ,  
Билмас эди нима — куртак ва ҳосил!

Уша Ер. Қадрдон мусаффо осмон.  
Юрагини қамраб олган соғинчлар...  
Йўллар. Ер-жўралар. Ишқли бир тугён,  
Бир-бирдан гўзал, жозиб севинчлар!

Бу туйғулар ўтли ирмоқдай оқар  
Акбарбекнинг эсҳи тармоқларида.  
Ташаккур, дейди-ю Заминга боқар...  
Заминнинг поёнсиз йироқларида —

Ялт-юлт этганпча қайтарар шуъла  
Қуёшга тутнлган ойнадай кундуз!  
Замин яйраб ётар, орзуга тўла!  
Бўғзини ўт бўлиб куйдиради сўз:

«Ассалом она-Ер, соғинчинг учун,  
Севинчларинг учун минг бора қуллуқ!  
Ернинг тортиш кучи бўлмаса, бугун —  
Қайта олармидим, эй меҳри улуг!

Мен сени умрбод бахтиёр кўрай,  
Алал-абад сенга йўламасин ғам.  
Мен сени меҳримга, меҳримга ўрай  
Жафокаш, меҳнаткаш, жонкашим — Онам!

Онажон, кўнгилининг нозик еридан  
Таҳсиним сенгадир, меҳрингга қуллуқ!  
Қўкдан — мадад олмай сенинг меҳрингдан —  
Қайта олармидим эй, зоти улуг!»

#### ХОТИМА

Замин! Гул мисоли, асраб беминнат,  
Отасиз қолганга рағбат бўлдинг сен.  
Йўлдан адашганга кўрсатиб ҳиммат,  
Уни йўллаб, қўллаб, шафқат қилдинг сен!

Одатий юмушин тарк айлаб кимдир,  
Олис самовотга чоғланса бугун,  
Учган юлдузлардан топа олса нур,  
Шарафингга шараф қўшилмас нечун!

Тўрт фасл айланиб бамисли паргор,  
Қишдан — қор, баҳордан — лолалар ёнар.  
Азиз бошинг узра, қарагил, бедор  
Юлдуздай беҳисоб ноалалар ёнар!



Биласан, қай бири унинг Улуғбек,  
Қай бири гулханда ёнган Бруно?  
Улар билан бағринг мангу тўлиғдек,  
Сен борки, уларга етмайди фано?

Шундай онасанки, шодликлари — мўл,  
Фурури тиймоққа ундаган ўзин!  
Яна шундайсанки, кўз ёшлари кўл,  
Унда чўкмай дея, тополган тўзим!

Сен борки, қадамлар кетмайди беиз,  
Сен борки, сўзлар ҳам учмайди елга,  
Сен ўзинг яшашга ундайсан ёлғиз,  
Сен ўзинг инсонга ҳамқадам келган!

Қаҳрамонлик учун умринг бор бўлсин,  
Инсонга кенг макон бўлган эй, тупроқ.  
Бағринг гулга тўлсин, ёғдуга тўлсин,  
Инсонга гулистон бўлган эй, тупроқ!

Келажак насллар равнақи учун,  
Юлдуз тўла шаффоф осмонинг билан,  
Меҳнатга ундаган ҳар қуёшли кун,  
Қўкламга тўйинган бўстониң билан,

Қайсар довуллариң, ипак шамолинг,  
Айқирган сойлариң билан бор бўлгин!  
Кун-бакун тўлишган етук жамолинг,  
От бўлар тойлариң билан бор бўлгин!

Мангу шараф сенга, буюк бахт билан  
Катта ташвишларга елка тутган Ер!

Мардлик, муҳаббатни ўлмас шахд билан  
Замондан-замонга олиб ўтган Ер!

Садоқат, муҳаббат сени алқасин,  
Фарзандлар ҳузурин кўргил, эй, Она.  
Бошингда тоабад қуёш балқисин,  
Бахт билан ёлчитсин сени Замона!

*1971—74*

HABO



## КЕЛ, ҚҰШИҚ

— Келгил, ҳаётимни безаган қўшиқ,  
Келгил, юрагимни ўртаган наво!  
Сен — севинч, сен — паноҳ, сен — оташин ишқ,  
Сен камтар замину ҳам юксак само!

Юракка айлан сен, айлан нигоҳга,  
Жўшгину назар сол туйғун ва ссргак.  
Баҳра олган бахтим, сир тутган оҳга,  
Келгил, баҳоримда балққан камалак!

Эшик қўнғироғи жирииглар тунда,  
— Очайми, очмайми?— қўллари маҳтал.  
Йўқ, очмас! Зулумот, гўнгу кар тунда  
Зариф қайтиб кетар ким нечанчи гал!

У кетар. Қолғувчи хаёллар сўйлар  
Аразу иноқлик, шубҳадан бу кеч  
Умринг тинч-нотинч йўллари бўйлаб,  
Бахту ғам келтирган жабҳадан бу кеч!

— Майли, ҳижрон бўлиб сўйла, тоқатим —  
Ёниб кул бўлгунча тингламоғим бор!  
Сўйла, эй жафою жоним роҳати!..  
Тун оқар.

Сокинлик.

Учқунлайди қор...

Күз күнлида туңгулар  
 Чертилмаган тор эди.  
 Олам бахтга йўғрилар,  
 Ҳамма ёқда қор эди!  
 Айтилмаган сўзларда  
 Ёш билмаган кўзларда,  
 Чарақларди бир севги,  
 Ҳароратли бир севги!  
 Баҳор ваъда этди у  
 Ҳар галгидан зиёда!  
 Муқобилим йўқ, деди.  
 Менинг ёруғ дунёда!  
 Деди: — Йўлинг ёритсам,  
 Ёришади уфқлар,  
 Мададкоринг бўлади  
 Авжи равон қўшиқлар!

— Қўшиқ топсам, дегандим,  
 Қуйламоққа киройи.  
 Қел, қўшиғим, бўлақол  
 Ҳаётимнинг чиройи.  
 Эътиқодим бўлақол,  
 Кўзим нури бўл, қўшиқ,  
 Сен қанотим бўлақол,  
 Тугал умрим бўл, қўшиқ!  
 Васлу ҳижрон ичида  
 Ўзлигимни билай мен!  
 «Яшаш» демоқ энг азиз  
 Сўзлигини билай мен!  
 Меҳрдан яйраган чоқ  
 Қувончимни кашф этан!  
 Забтига олса қийноқ,  
 Бардошимни кашф этан!

Бир-бирига икки дил  
Интилганча боради.  
Зулайҳони бу севги  
Чорлагандан-чорлади:  
«Ёр-ёр»лар айтилди,  
Карнай-сурнай чалинди,  
Ер музлаган пайтиди,  
Давра катта олинди!

Ўтли қўшиқ, ҳур қўшиқ  
Икки дилни боғладинг  
Сенга ташаккур, қўшиқ,  
Икки йўлни боғладинг!

### ЭРТАКЛАР СЎНГИДА

Қиш айтиб ўтди такрор  
Сеҳрли эртақларин,  
Гул қоплади неча бор  
Зарафшон этақларин  
«Худди тилло узукка  
Ёқут кўздай ярашган»  
Деб кексалар Зулайҳо  
Каби келин сўрашган!

Тўй бериб дангур-дунгур.  
Бажо бўлди тилаклар.  
Тўлга кирди бирма-бир  
Полапондай гўдаклар.  
«Фарҳоду Ширин» бўлиб  
Яшашарди бахтиёр.  
Иззатли келин бўлиб,  
Топиб обрў-эйтибор.  
Зулайҳонинг кўнгли тўк,  
Ишдан чиқмасди боши.

Дерди: Сўниш билмас, йўқ,  
Менинг севги қуёшим!

Тинимсиз югур-югур  
Хуснини еб борарди.  
Аммо Зарифжон мағрур,  
Ўзига зеб берарди!

Зулайҳо гоҳо ярим —  
Тунда хамир қорарди,  
Нонни ёпиб, имн-жнм  
Тошг-ла ишга борарди.  
Туилари ой ботгунча  
Икковлон фишт қуйишар,  
Қўни-қўшнилар: «Бунча —  
Уйпараст бу», дейишар.  
Унинг дилида бир ғаш  
Уйғотарди Зарифжон,  
Гоҳо ҳазил аралаш  
Сўз қотарди Зарифжон:  
«Улашганда хусни  
Кечиккансиз-да бир оз!»  
(Зарифжоннинг кўзини  
Еғ босгани эди рост!)

—  
Парво қилмади аввал,  
Билмаганга солди у,  
Аламини ҳар маҳал  
Ишдан-ишдан олди у!  
Бир оёғи далада,  
Ҳовлида бир оёғи,  
Еғиларди жаладай  
Зарифнинг ноз-фироғи!  
Қилдан қийиқ ахтариб  
Қўтарар Зариф жанжал,



Бошига тоғ ағдариб  
Кетарди баъзи маҳал:  
«Кимсан, фалончи шофер,  
Эъозлар бутун колхоз!  
Сиз бўлсангиз, нима, дер,  
Қўнгли бўш хотин, холос!»

Ўттизга кириб кирмай  
Сочларига тушди оқ.  
(Андишанинг отини  
Зариф қўйганди қўрқоқ!)  
Тун оқар. Хаёлсираб  
Ўлтирарди Зулайҳо.  
Ирмоқ каби жилдираб  
Оқиб келди бир наво:

— Дурра сочларинг қани,  
Ипак эди-ку улар!  
Уни ювиб-ўргани  
Вақт топмади бу қўллар!

— Қани, нозик бармоқлар,  
Хино учун яралган!  
Тутавериб ўроқлар,  
Вақт бўлдими қарарга!

— Қўзлар қани порлаган,  
Нега лоқайд боқар у!  
Жонга ўтлар ўрлатган  
Чақмоқ нигоҳ эднинг-ку!

Бийронлигинг қаерда?  
Сўз демоққа ҳолинг йўқ!  
Жайронлигинг қаерда?  
Югурик шамолинг йўқ!

. . . . .

Күзүдөн узимн еки..  
Күзлар қани жодули, позли?  
Юзларидан тушарди оқиб,  
Сўнган ишқнинг ўкинчли ёзи!  
Кўзгу боқар ой каби совуқ,  
Сесканади бирдан Зулайҳо.  
Шафқат билмас ўтли чирмовуқ  
Ўраларди бўйнига гўё!  
Хирмон-хирмон пахта териоди,  
Қанча-қанча ўтқазибди гул,  
Гоҳ ўтга, гоҳ сувга кирибди,  
Ишдан боши чиқмабди нуқул!  
Фақат... ўзи чиқибди эсдан..  
Қиймай-емай, этиб қаноат.  
Гиклайман деб боғу иморат,  
Ўз турмуши чиқибди издан!  
Нураб тушмиш муҳаббат қасри,  
Наҳот энди тикламоқ маҳол..  
Бундан кўра бўлсайди басир,  
Кўрмасди бу кунни эҳтимол!

Бундан кўра оддий қапада  
Яшасайди кўнгли тўқ, қувноқ!  
Кўзларига ҳовли дафъатан  
Бало бўлиб кўринди шу чоқ!  
— Чиқиб кетгил, бошингни олио,  
Юрма бунда, дейди, бир хаёл!  
Юрагига гулгула солиб,  
Идрокини айлаб гунгу лол!

— Ўт қўяқол бу уйга энди,  
Қолмасин бу даргоҳдан нишон!  
Севгинг ёнди, юрагинг ёнди,—  
Дейди яна хаёл беомон!  
Тухмат ёнсин, ғаразлар ёнсин,  
Ёнсин шубҳа, аразлар ёнсин!

Нигоҳларни нурсиз айлаган  
Ғийбат деган маразлар ёнсин!

Қулоғига чалинарди гоҳ:  
«Эрингизнинг қадами бежо!»  
Бутун қишлоқ эдшо огоҳ,  
Бир беҳабар эди Зулайҳо!

Ясан-тусан жойида эди,  
Чақнаб юрар эди Зарифжон.  
Дунё унинг пойида эди,  
Дер: Бир келар бу даври даврон!

Зулайҳожо, ихтиёрингни  
Бериб қўйдинг нега бунчалик?  
Тингламас у энди зорингни,  
Олмай ўтар саломга алиқ!

Қандайдир бир сохталик борди,  
Эркалаши, гапу сўзида,  
Юрагини ўртаб юрарди,  
Хафа эди ёлғиз ўзидан.  
Мана нима бўлди оқибат:  
Оида-сонда бир келар уйга,  
Нимадаидир кўнглида гурбат,  
Нимадандир димоғи қўйган...  
Сўрасинми? Не дейди ахир,  
Суюксиз тил иималар демас!  
— Балким ростдир, балки туҳматдир...  
Ўч кундирки Зарифжон келмас...

Қай оғзи бўш келтирди хабар:  
«Сиздан тамом кечибди Зариф.  
Ўзга ёрга бериб ваъдалар,  
Қасамлар ҳам ичибди Зариф!»

Яна хаёл қайсар, бетизгин;  
«Шафқат, шафқат сўрайман, тақдир,  
Ўз қалбимни билмасам ўзим,  
Бу қандай сир, бу қандай гапдир!  
Ёлғон! Зариф эмас гуноҳкор!»  
Қўнгли покдир Зарифи унинг,  
Топди. Шундай. Дилкаш, интизор  
Наво тинар, тинмас дард туни.  
Нима бўлди сенга, Зулайҳо,  
Нега қўлинг ишга бормайди?  
Миш-миш гапдан бу ёруғ дунё  
Наҳот хира тортди, қорайди?  
Жовдирайди кўзлари: «Кошки,  
Ёлғон-яшиқ бўлсайди бу гап!  
Нақ жонимни олмоқда рашким,  
Тириклайин оловга ташлаб!  
Бу шунчаки битта синовдир,  
Не куйларга солмайди хаёл!  
Хаёл қурсин, гоҳида ёвдир,  
Қўй, ўзингни энди қўлга ол!  
«Эмиш: ўтар-кетар бу дунё,  
Йигитлик ҳам бир келар даврон...»  
«Кетинг! Тезроқ!» — деди Зулайҳо.  
Нақ бошида ўйнади гаврон...  
— Кетма мендан, кетма, қоракўз,  
Юрагимсан,— дея олмади.  
Тополмади, тополмади сўз,  
Керагимсан,— дея олмади...

Зариф уйдан чиқди-да, кетди,  
Ҳар лаҳзаси соғинчу азоб  
Баҳор ўтди, олтин ёз ўтди.  
— Муҳаббат ҳам меҳнат дегани,  
Меҳнат эса — тинимсиз кураш.  
Ҳар ким ўрар ўзи экканин,  
Бу нима гап, қандай тентираш?

Яхши от ҳам бир бор қоқилар...  
Узр айтди у, сендан — кечирмоқ.  
— Юрагимга олов ёқдилар —  
Шубҳалардан...  
Мушкул ўчирмоқ!

Кўплар тушди орага, фақат:  
— Қўйнинг, деди, энди бефойда.  
Илдиз отиб кўкармайди бахт,  
Севги кучи йўқолган жойда!..

Ишга кетар хаёл-бехаёл,  
Уйга қайтар, ҳовли ҳувиллар.  
Гоҳ онаси сўраб келар ҳол,  
Кўзлари ёш билан ювилар...  
«Ўқимадинг, ўқи деганда,  
Бу кунларга қолмасди бошинг!  
Майли, болам, тақдир экан-да,  
Сабр бўлсин энди йўлдошинг!  
Қувватим бор, ишни йиғиштир,  
Ҳали ҳам кеч эмас, ўқийқол,  
Болалардан олма хавотир...  
Интилганга ёр бўлар иқбол!  
Оғир—енгил бўлса — бўйнимда,  
Одам бўлсанг менга мукофот...  
Дўхтирликка ихлос қўйди-да  
Бошлади у янгидан ҳаёт...  
Сўнгра қайтди катта шаҳардан,  
Ишлайверди бор кучин бериб.  
Зарифжонни кўрса агарда  
Кетар эди қалби гупуриб  
Эрк бермасди ҳиссига фақат,  
Утар-кетар йўл чангитиб ёр,  
Довул олди теран сукунат  
Денгизларда топгандек қарор.  
Туйғуларнинг асов дарёси

Тошқин баҳор чоғига етди...  
Кўз-кўз қилиб кўм-кўк зиёсин,  
Баҳор ўтди, олтин ёз ўтди.

\* \* \*

Тўлиб—тошиб келарди Зариф,  
Бир дакки еб, кетарди қайтиб,  
Бўйин эгиб, мунғайиб, ғариб  
Ёри рўйхуш бермаган пайти:  
«Шундай масъум, мулоим дилда  
Бунча ғазаб уйғонди қайдан?  
Меҳрим, энди қолдирма тилдан,  
Илтижога, оҳларга айлан!»

\* \* \*

— Зулайҳо дер: — Гуноҳ ўзимда,  
Вақти-бсвақт тергай олмадим!  
Бир хатолик ўтган кезида  
Дилимдагин тўкиб солмадим!  
Бола-чақа, рўзғорим дея,  
Ортабман ҳеч қозон-товоқдан,  
Ўзим билмай, келиб қолибман  
Сира қайтиб бўлмас қирғоққа!

Калондимоғ эди Зарифжон,  
Бу ҳам дедим, ахир фазилат!  
Қуйилиб ҳам қолар бир замон,  
Қамгаплик ҳам одамга зийнат!  
Ўз ҳолига қўйиб қўйдим мен,  
Энди эса гурур бир бало...  
Шундай қаҳр билан суйдим мен...—  
Талвасада эди Зулайҳо.

Оҳ, истарди бедоғ бўлса ишқ,  
Ойна каби акс этса бахтни.

Хазони йўқ бир боғ бўлса ишқ,  
Ҳижрони ҳам айласа бахтли!

### УИЛАР

— Гоҳ муҳаббат бахтидан сархуш,  
Завқу шавқдан кўкларда юрдим.  
Осмонидан айри тушган қуш  
Қаби гоҳо ўтларда юрдим!  
Гоҳо ишқининг чамаи зорида  
Шабда дил яйратар экан,  
Гоҳо рашкнинг чангал зорида  
Оёғимга санчилди тикан!  
Гоҳ ишончлар тонготарида  
Кулдим, кўзга ёшлар тўлгунча,  
Гоҳ гумонлар кунботарида  
Йиғладим дил хуноб бўлгунча!  
Бахтми? Уни сўраманг ҳаргиз...  
Мен бахтимни таъриф айласам,  
Юксак, эзгу жонажон ҳар сўз  
Сифатлашга уни эрур кам!  
Бахтим меши лолу кар этди,  
Тиз чўкдим мен ҳузурда боз!  
Бор кучимни сафарбар этдим  
Ардоғида бўлмасин деб оз!

### ҚАҲР...

Бир томонда гумонлар,  
Бир ёқдан рашк балоси,  
Бир томондан топталган  
Туйгуларининг садоси  
Зулайҳони чақмоқда,  
Жисму жони ларзада,  
Бу азобли титроқдан  
Хонумони ларзада:  
— Нести нобуд бўлармиз,

Ё сен, ё менинг бошим,  
Нур тушмаган палакдай  
Мўрт бўлмоқда бардошим!  
Эй, ғурур, қаҳқаҳа ур,  
Қар қулоғим очилсин!  
Шунда менинг-да бир қур  
Ғазабларим сочилсин!  
Истасанг, истамасанг  
Ёнингдан мисли офтоб,  
Бир куйдириб ўтарман,  
Хоҳ титра, хоҳ чидам топ!  
Қандай ўтли меҳр-ла  
Севган бўлсам бир замон,  
Шундай аёз қаҳр-ла  
Рад этарман беомон!  
Ақлу идрок устидан  
Бугун қаҳрим ҳукмрон,  
Чексиз меҳр-ла бу дам  
Рад этарман беомон!

## ТУҒЕН

«Кел, қўй, изза бўлгани етар,  
Гўдакларга зор бўлгани рост!  
Бир кун ишқинг уволи тутар,  
Зулайҳожон, сал ўзингни бос!  
Ёшсан, соғлом, ғайратли, шукур,  
Баҳслашасан кўрқда ой ила,  
Лекин аёл бахти саналур  
Гўзал, кўркам, тўқис оила.  
Ёшлик ўтар бепарво, шошқин,  
Кексаликда жони ҳолингдан —  
Хабардор ким? Қўзингни очгин!  
Фойда бўлар ёлғиз чолингдан!»



— Онажоним, гап йўқми бошқа...  
Чимрилади Зулайҳо тажанг.  
Жиққа тўлар кўзлари ёшга,  
Яна ҳислар бошлар дилда жанг:

— Гап-сўзимда қандайдир  
Энди тугёни бўлса,  
Бахт ҳақида сўйласам,  
Жиндай ёлғони бўлса,  
Қаҳқаҳам жарангида  
Ғашлик, гумони бўлса,  
Совуққон бардошимнинг  
Ўтли исёни бўлса,  
Рўйи рост иқроримнинг  
Сирри ниҳони бўлса,  
Ҳаммаси сендан фақат,  
Эй, муҳаббат, муҳаббат!  
Ёлғонни ҳам рост каби  
Айта олсам дўндириб,  
Уммон каби шаҳдингни  
Қайтаролсам тиндириб,  
Бардошингни навдадек  
Олаолсам синдириб,  
Дил нуримга умидинг  
Майсадек талпинтириб,  
Энг оддий сўзларимга  
Ҳайрат-ла топинтириб,  
Кўзларимга ишонмай  
Сени кузатганим пайт,  
Барчасига сен сабаб,  
Эй, муҳаббат, муҳаббат!

#### НАВО

— Билагимда гупурган қувват,  
Кўзларимда ёнган тоза нур,

Кул босган дил гулханин гувлат,  
Ғам эшигин ёпгил, тамба ур!  
Газандадай ўрмалаб ундан  
Чиққан сурбет хаёл, изтироб,  
Пашша қочгап каби тутундан  
Ишқ тобига беролмасин тоб!  
Сен, жонимга аро кир, меҳнат,  
Ишонч пайдо бўлсин танимда,  
Тупроқ юрак каби сершиддат,  
Уйғоқлигин кашф этганимда,  
Еру кўкка сиғмай қолай-да,  
Ғолибликни ҳис этай такрор!  
Ташвишларим кўриниб майда,  
Бахт ҳаққига қайта созлаб тор;  
Айрилиқнинг жини кўчасидан  
Нурли йўлга чиқай отилиб,  
Шубҳа, гумои барча-барчаси  
Эргашолмай қолсин ботиниб!

#### БАЪЗАН

Ишдан қайтар жонсарак,  
Интпзор икки гўдак,  
Бағрига олар иттиқ,  
Оҳ, бунча эрка, таптиқ...  
«Шахду шаққарим қани,  
Сувда сувсарим қани,  
Келақолсини, той-той,  
Кулақолсини, бой-бой,  
Ҳо, дўрса-дўрса-дўрса,  
Дадаси бозорга борса,  
Гўшт-гурунч ола келса,  
Аяси пазанда бўлса,  
Боласи хўранда бўлса...»

Бирдан сергак тортади,  
Изтироби ортади.  
Зулайхонинг қувончи  
Шом еган ойдай ботади.

— Ишқинг оқар дарё эди,  
Ирмоқча ҳоли қолмади;  
Файзга тўлиқ дунё эди,  
Тирноқча ҳоли қолмади;  
Тахти равон бир йўл эди,  
Сўқмоқча ҳоли қолмади;  
Офтоб қадар мўл-кўл эди,  
Чақмоқча ҳоли қолмади...  
У ирмоқдан нима кутай мен?  
Не деб унга кўзим тутай мен?  
У сўқмоқда кезиниб бўлмас,  
У чақмоқда исиниб бўлмас!

#### ЯНА НАВО

— Меҳрим, сенинг шафқатинг керак,  
Қаҳринг керак, даҳшатинг даркор:  
Титратгандек кўкни гулдурак  
У юракка бўрон бўлиб бор!

Ўргумчакдай ин қурган бўлса,  
У юракда шубҳа ва гумон,  
Ишончига тиг урган бўлса,  
Совуқ гаплар бамисли илон,  
Ҳаммасинн айла чириирак,  
Бари сарсар, тўс-тўполондан  
Қарахт бўлиб, бўлиб-эй чалпак  
Бадар кетсин ёруғ жаҳондан!

Манманликнинг кўчасида ё  
Кибру ҳаво базмини бошлаб,

Қамтарликка айтиб алвидо,  
Юрган бўлса кўнглини хушлаб,

Виждон бўлиб ёқасидан тут,  
Таъқиб айла қадамба-қадам,  
Қилмишларин этмасин унут! —  
Зулайҳони ўртарди алам! —

То бошини тошларга урсин,  
Зардоб бўлиб қайнасин йиғи,  
Телба бўрон ҳар ёнга сурсин,  
Пачоқ бўлган умр қайиғин!

Йўқ, йўқ, уни қийнама, ҳаёт,  
У ғам чекса, менинг ҳолим танг!  
У ҳалоскор, у яна жаллод,  
У кўзимда чарақлаган ранг!

Унинг ночор, ожиз афтода  
Юрганни кўрмасин кўзим!  
У не гуноҳ қилса дунёда,  
Жавобгарн бўлай мен ўзим!

Кел, бошимда соябоним бўл,  
Офтоб ўтди ёлғиз бошимдан.  
Ажрадим-ку сенингиз бир йўл  
Ака-ука, қариндошимдан...

### ТУН ЭДИ...

Тун эди, хаёллар қуриб тантана,  
Юракда ғалаён бошлади яна.  
Ойнага урилар паға-паға қор,  
Мўйсафид табиат вазмин, пурвиқор.  
Ана, остонада тўхтади кимдир,  
Минг йиллик йўл босиб келгандай доғдир,  
Ҳорғин пигоҳ билан журъатсиз қотди,

Назари ханжардай юракка ботди:  
— У ҳижрон йўлларин кезиб пиёда,  
Муҳаббат аталган ўлмас навода  
Гуноҳи ювилиб, орзуси яшнаб,  
Бемаъни ғурурни ўтмишга ташлаб  
Келибди.— Сўзларди севги ҳукмдор,  
Остонани эса кўмнб борар қор...

\* \* \*

Йиғласинми, кулсинми ёки,  
Фақат чидаш берарми юрак?  
Ана, бахти келмоқда балқиб,  
Унга пешвоз югурмоқ керак!  
Отсинми ё таъна тошнини,  
Турсинми ё тишлагаддек мум!  
Шунча йиллар эгик бошини  
Кўтарсини қилсинми зуғум?  
Уй эшиги очилар бехос,  
Муздай ҳаво кирар хонага.  
Дайди шамол эди бу холос,  
Ўзин урган уйга-панага!  
Қани, ўкраб йиғласа йўқ-йўқ!  
Гўдакларин уйқусин бузмас!  
Хаёл! Чарчоқ, туш узук-юлуқ,  
Тун яримлаб қолганин сезмас!

Наво: «Бари туш эди, жоним,  
Тушга ахир нималар кирмас,  
Қалбим, умрим бўш эди жоним,  
Ошкор гап бу, ҳеч кимга сирмас!»  
Алаҳсираш эмас, бу — иқрор,  
Сира қайтиб бўлмас қасам бу!  
Остонада худди кимдир бор,  
Ўша таниш овоз, қадам бу!

Гўдакларин ўпар уйқуда,  
Сўнг безовта, кийинар у тез.  
Қор ҳам тинган. Кеча осуда.  
«Қайга? Нечун? Бу не деган сўз?»  
Она ҳайрон, қалби бўлиб муз  
Қолаверди этганча қалт-қалт.  
Хув, Зулайҳо мисоли юлдуз  
Учиб борар қор узра ялт-ялт.  
Онаизор... Невараларин  
Иссиққина ўринга солди.  
Зулайҳоси — ишсеварини  
Яна не дард қийноққа олди?  
«Иши шундай... Вақти бемаҳал  
Дўхтирлик-да, бўлади беҳоб.  
Жонгинасин аяса-чи сал,  
Омон бўлгур, бу нима азоб?!»  
Йўқ у бу тун ўйлари хижил,  
Севгисига бормоқда елиб!  
Йўл-йўлакай дилдаги чигил  
Тугунлари борар титилиб!

#### ЧОРЛОВ

Кел, кетдик иккимиз  
Мағрур, бахтиёр  
Ҳаётнинг давомли  
Йўлкаларидан,  
Гурсиллаб ўтайлик,  
Ейилсин баҳор,  
Севгининг сеҳрли  
Улкаларида...

Қайта қўл урайлик  
Тинган торларга,  
Узилган мактублар  
Қаптардай учсин!

Уэр айтиб сидқидил  
Дўсту ёрларга,  
Ҳис этиб бардошнинг  
Баҳрали кучин,  
Кетайлик, гид-биди  
Гаплардан йироқ,  
Юксак-юксакларни  
Кўзлаб, марралаб,  
Бизга машъал керак,  
Эмас жинчироқ —  
Утмоқ-чун зулматни  
Пора-поралаб!

Нимадир бу овоз,  
Нимадир ўзи?  
Синамаган, тўзмаган  
Ишончнинг сўзи?  
Ҳаётнинг покиза,  
Ҳур нафасидан  
Яралган энг гўзал,  
Улмас қасида?  
Интилмоқ, иштиёқ,  
Чашмаларидан  
Нур эмиб, яшнаган  
Умидми экан?  
Қимнинг ижоди бу  
Чиройли наво,  
Ё ишқми бу туйғу,  
Айтгил, Зулайҳо  
Кўнгилнинг энг нозик  
Шодликларини,  
Арралаб, йўқ қилиб  
Ташларди ҳижрон,  
Фарзанд муҳаббати,  
Шўхликларини  
Ҳис этиб яшашни

Билмаса бу жон!  
Меҳнат, машаққатдан  
Иқбол яратиб,  
Излапиш бахтидан  
Шуъла таратиб,  
Буюк мақсадларга  
Вермасайди қўл,  
Энтикиб, жон тикиб,  
Топмасайди йўл,  
Оҳ, яна билмаса  
Кечирмоқни ҳам,  
Қайғуга қўл силтаб  
Қувончни чорлаб,  
Вошини тик тутиб  
Мағрур ва ўктам,  
Боқмаса умидлар  
Кўкида порлаб,  
Нима у? Ҳеч нарса!  
Шунчаки одам,  
У ҳолда ҳаётдан  
Кутма шафқат ҳам!

Туёқлари чақнаб,  
Изи чарақлаб,  
Чанглари юлдуздай  
Порлаб, ярақлаб,  
Мудраган ҳисларин  
Айлаб тўполон,  
Учди-келди оху,  
Кўзлари гирён!  
Зулайҳо қошида  
Эркаланди у,  
Вужуд-вужудида  
Пориллар ёғду:  
Из тушмас тоғларнинг  
Бошида ўйнаб,



Қайнар булоқларнинг  
Тошида ўйнаб,  
Зимзиё ўрмонлар  
Қўмсаган нурдай,  
Ушалмас армонлар  
Ичра ҳузурдай  
Учиб келди оҳу,  
Кўзлари жоду!  
Совуган орзуга  
Берди ҳарорат,  
Нафас бағишлади,  
Сайратди уни,  
Осмондай бағрида  
Яйратди уни!  
У бунча сўзамол,  
Тиллари бурро,  
Эртақлар сўйлади  
Гўзал, пурмаъно  
Ва уни боладай  
Эргаштириб шод,  
Учмоқда бир оҳу  
Чиқариб қанот,  
Қайғуни қийратиб,  
Бахтни улуғлаб,  
Тамоми оламни  
Олқишга чулғаб!

#### БУ УША ТУН

Бу ўша тун, қорли тун,  
Ёр эшикдан қайтган кеч.  
Жафоли тун, зорли тун,  
Ёрга «кет» деб айтган кеч.  
— Нега, осмон, узилиб  
Бошимга тушмадинг, ҳей,  
Кет, дедим, кетди безиб,  
Энди бориб нима дей?

Югур, дерди ички туғён,  
Югур, жонинг борича!  
Кетар, қайтмас ёр ҳеч қачон,  
Чоп, имконинг борича!

Ё рўй берар оҳ, хиёнат,  
Сўнг омонлик қаёқда?  
Жиноят у, зўр жиноят,  
Ғиппа бўғар томоқдан!

Унда зилол чашмалар  
Илонларга айланар,  
Гулистонлар, чаманлар  
Тиконларга айланар!

Ё рўй берар бир фалокат,  
Йўқлик сари кетар ёр!  
Ютмоқдадир уни зулмат,  
Қайтар уни! Бўл! Бўл! Бор!

#### ЮРАК ЕНГАНДА

Қатта шудгор оралаб  
Аёл борар бошяланг,  
Қўк бағридан мўралаб  
Ой боқар унга тажанг.  
Мисдай қизиб борар тан,  
Ловиллар икки юзи,  
Шамол каби еларкан,  
Ойга тушди-ку кўзи:  
«Сирларимни ўзингга  
Айтар эдим бир замон,  
Қиргил энди сўзимга,  
Уйга бор, оймўмажон!  
Унда ухлаб ётмоқда  
Гўдакларим беҳабар,  
Қўнгли сезгани чоқда

Унгоиб қолса атар  
Сен юшагил, онажон --  
Қайтар дея, овунтир,  
Чала қолган алласин  
Айтар, дея овунтир!»  
Шудгор қолди қорайиб,  
Гойиб бўлди тўлиной,  
Қора сочларин ёйиб,  
Кетиб борар келиной!  
(Жимгина келар кимдир  
Унга қорама-қора)  
Аёзда титраб дир-дир,  
Зулайҳо кетиб борар!  
Юраклари суст кетар.  
Билаклари толади,  
Якка теракка етар,  
Бир лаҳза дам олади:  
«Кумуш япроқ терагим,  
Нияти оқ терагим,  
Бер энди ёр дарагин:  
Бундан Зариф ўтдимин:  
Ёр сўроғига тушдим,  
Излайлик бирга-бирга,  
Боришайлик иккимиз  
Ёр пойи етган ерга!»  
Йиқилдимин терак ё.  
Қанот боғлаб учди у?  
Бир тин олиб Зулайҳо.  
Шитоб йўлга тушди-ку.  
(Жадаллаб келар кимдир  
Унга қорама-қора).  
Совуқда титраб дир-дир,  
Зулайҳо кетиб борар...  
Ялтираб тун қўйинида  
Дарё музлаб ётади.  
Шундоқ дарё бўйида

Аёз сўзлаб ўтади.  
Сесканади Зулайҳо,  
Излайди йўлдошини.  
Босиб борарди қиров  
Унинг қалам қошини.  
Бунча узоқ бу йўллар...  
Нафаслари тиқилар.  
Катта кўприк бошида  
Аёл ҳориб йиқилар:  
«Чинни кўприк дей, ўзим,  
Ростини сен айтиб сол:  
Менинг севгап юлдузим  
Қайга ботди?» Кўприк лол.  
«Бахт кўприги, дей ўзим,  
Энди ростин айтақол!»  
Садо йўқдир, кўприк жим.  
Қор сочиб ўйнар шамол.  
Кўприк ёнди чарсиллаб,  
Ўтди-кетди оҳужон...  
Жар бошида ҳарсиллаб  
Турар эди Зарифжон...  
Туғёнлар оташидан  
Тор кўриниб кенг жаҳон,  
Тикка жарлик бошида  
Турар эди Зарифжон.  
Оппоқ, ёрқин нуқтадай  
Вир қизни кўрди пастда.  
Ой таратган нуқрадай  
Ҳур қизни кўрди пастда...

«Мен — ҳаётман, мен — курашман,  
Юксакликман, алпим, кел!  
Қўрқоқлармас, чин курашган  
Менга етар, қалбим, кел»  
Йиғлар эди, кулар эди...  
Туриб, қайта кулар эди,

Талпинганча Зарифжон  
Келарди кўприк томон:  
— Халоскорим, халоскорим,  
Азоб ичра тоянганм,  
Меҳрим, зорим ва озорим,  
Ғазаб ичра топганим...  
Билар эдим — қайсар эдинг,  
Бир сўзлингим, мардим-ей!  
Бир кун «кел» деб айтар эдинг,  
Бахтим ўзинг, дардим-ей!  
Унут, унут, унут энди,  
Умр бошлансин бугун!

Айрилигу ҳижрон тинди,  
Тун оқар, сержаранг тун...

\* \* \*

Ана, худди дард кўрмагандай  
Ишга ўтар Зулайҳо саҳар.  
Юзларида эркалик, ханда  
Илк бор мактаб борар болалар.  
Иншоотлар кўтармоқда қад,  
Машиналар ўтар гувиллаб.  
Ҳаёт ўзи берган муҳаббат  
Кўнгилларда бораркан гуллаб,  
Нигоҳларни яйратар чаман,  
Туйғуларни авайлаб бир ҳис:  
Юракларни мангу эт ватан.  
Ирода бер, ҳусн бер тенгсиз  
Наво, наво — севги суврати,  
Садоқатнинг эзгу баёни,  
Сен оламнинг пок табииати,  
Сен умрнинг гавҳар айёми!

Қорлар эрир, баҳорлар ўтар.  
Ишқни куйлаб дугорлар ўтар,  
Меҳнат бўлиб, мангу бахт бўлиб,  
Элда азиз нигорлар ўтар!  
Қадамларнинг парвозларида,  
Базмларнинг шаҳнозларида.  
Янгиликлар овозларида  
Мен дунёни оппоқ кўраман.  
Келажакни порлоқ кўраман.  
Иқбол сари юрмоқ кўраман!  
Икки Дилни муштоқ кўраман!  
Ва кўраман: осойиш йўлда.  
Мангу наво ёр бўлиб дилда.  
Яйраб-яйраб борар Хур Инсон  
Севги туққан мангулик томон!

## МУНДАРИЖА

Келинчак	1	2	3	4	5	3
Нозик	1	2	3	4	5	25
Ҳаётга таъзим	1	2	3	4	5	37
Она-Ер соғинчи	1	2	3	4	5	53
* Наво	1	2	3	4	5	89

© Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980.

*На узбекском языке*

**Хаджиева Айдин**

ПОЭМЫ

Редактор *М. Жалилов*  
Рисом *Г. Хошимова*  
Расмлар редактори *А. Боброва*  
Техн. редактор *Т. Смирнова*  
Корректор *Ш. Соатова*

ИБ № 906



Босмаҳонага берилди 26.11.79. Боснишга руҳсат  
этилди 26.03.80. Р 14329. Формати 70×108<sup>1/2</sup>  
Босма қоғози № 1. Адабий гарнитур. Юқори  
босма. Илтимос босма л. 5,25. Нанр л. 4.8+0.08.  
(вкл). Тиражи 10000. Заказ № 155. Баҳоси 1 с.  
Ўзбекистон ССР Нашриётлар, полиграфия ва  
китоб савдоси ишлари Давлат комитетининг 2-  
босмаҳонаси. Тошкент «Матбуот» полиграфия  
ишлаб чиқариш бирлашмаси. Янгийўл, Самар-  
қанд кўчаси, 44.

Ешлик орзулари нақадар гўзал ва самимий. Лекин у ҳаёт сабоқлари билан тўқнашмаса самарасиз қолиб кетади. Инсон ва унинг характери ти нимсиз курашларда, жабҳаларда тобланади. очилади. Ойдин Ҳожиевнинг «Қелинчак», «Наво», «Она-ср соғинчи» каби бешта достонидан тузилган ўшбу китобида юксак инсоний орзулар ва уларнинг катта ҳаёт дўлядаги қувонч ва ташвишлари жозибали ифодасини топган.

Ҳажиева Айдин Поэзия  
ББК 84.93